Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 24 август, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 63 (6760)

Даъват

Мустақиллик ифтихори, бу муқаддас туйғу халқимизнинг янгидан-янги ютуқларни қўлга киритишида доимо унга ҳамроҳ бўлиши керак.

Ислом КАРИМОВ

Ибрат

Яқинда ўзбекистонлик 50 нафар мактаб ўқувчиси Америка Қўшма Штатларига жўнаб кетишди. Ўғил-қизлар асосан америкаликлар оиласида яшаб, у ердаги ўрта умумтаълим мактаблари ҳаёти билан яқиндан танишадилар. Инглиз тилида эркин сўзлашишни ҳам чуқур ўрганишади.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА 7 КУН ҚОЛДИ

Мамлакатимиз ҳаётидаги улуғ байрам — Мустақиллик кунига бутун эл-юрт ҳозирлик кўрмоқда. Республика таълим-тарбия муассасаларида ҳам хилма-хил байрам шодиёналари, эрталиклар, учрашувлар, давра суҳбатлари, ўйин-кулгу кечалари, спорт мусобақалари, ҳафталиклар ўтади. Таълим муассасаларидаги тадбирлар ўтадиган жойлар мазмунли безатилдими? Иштирокчиларнинг тадбирларга тайёргарлиги кўздан кечирилдими? Кўргазмалар ҳозирлаб қўйилдими?

Расмий бўлим

МУСТАҚИЛЛИК МАШЪАЛИ БАЛАНД ПОРЛАСИН

Чоршанба куни Президент Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимизнинг беш йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича мажлис бўлиб ўтди. Мажлисда ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, мутасадди раҳбарлар иштирок этишиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Мажлис аҳли олдида сўзга чиқар экан, жумладан, Ислом Каримов шундай деди:

— Ўтган беш йил биз танлаган йўлнинг тўғрилигини кўрсатди. Бугун халқимиз ана шу йўлдан дадил олга бормоқда. Шу боис мустақиллик байрами бир кун давом этадиган байрам эмас. Мустақиллик ифтихори, бу муқаддас туйғу халқимизнинг янгидан-янги ютуқларни қўлга киритишида доимо унга ҳамроҳ бўлиши керак.

Байрам тантаналари одамларни руҳлантирсин. Истиқлол туйғуси ижодкорларга илҳом бағишласин.

Мамлакатимиз раҳбари байрам сценарийси билан танишар экан, унда ўзбек миллий санъатининг ўлмас ва бетакрор анъаналарини, Туркистон халқларининг азалий ва абадий қардошлигини акс эттиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини уқтирди.

Байрам тантаналари барча вилоят ва туманларда, пойтахт Тошкент шаҳрида қизғин давом этади. Санъаткорлар, ижод аҳли томонидан тайёрланган дастурда 6,5 минг киши қатнашади. Истиқлолнинг беш йиллигига бағишланган тантаналар ҳар йилгидан фарқлироқдир. Тошкентда — Марказий майдондаги иншоотлар қиёфасидаги ўзгаришлар шуни кўрсатиб турибди.

Хуллас, мажлисда асосий масала — байрамни кўтаринки ва аъло кайфиятда ўтказишга эътибор қаратилди, «Байрам байрамдай ўтсин» дейишди, мажлис аҳли.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Э. Халилов, бош вазир Ў. Султонов, бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков ва бошқа расмий кишилар иштирок этишди.

Иқболинг баланд бўлсин, Истиқлол фарзанди!

ИСТИҚЛОЛ ИНЪОМЛАРИ

1992 йил 2 март — Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)га аъзо бўлди.

* * *

1992 йил 10 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси тасдиқланди.

* * *

Республикамизнинг 12 умумтаълим мактаби, 1 та ижтимоий фанлар бўйича республика гимназияси, 1 та ҳунар билим юрти ЮНЕСКОнинг сертификатини олишга муяссар бўлди.

Шукрона

ЭРКИНЛИК БУНДАН ОРТИҚ БЎЛМАЙДИ

Хонага ўрта ёшлардаги, қорамағиздан келган бир киши кириб келди. Танишдик. У киши қўқонлик Шодмонов Муроджон экан. Муроджон ака бир оз истиҳоладанми, иложи борича ўзини босиб олишга уринар, аммо унинг кўзлари бу киши учун бутқул қутилмаган, бир олам шодликни сира яширолмасди...

Мен унинг гапларини диққат билан эшитдим. Муроджон ака шу йил қизи Дилбархон Қўқондаги 32-физика-математикага ихтисослашган лицейни битириб, Тошкент Давлат юридик институтининг 1-курсига муваффақият билан қабул қилинганини тўлиб-тошиб гапирарди.

— Мен оддий ишчиман, — дейди Муроджон ака. — Қўқон ёг-мой комбинатида ишлайман. Гапнинг «ўғил бола»сини айтсам, илгариям баъзи одамларнинг «ўқув юртларида ҳақиқат йўқ» деган узуқ-юлуқ миш-мишларига ишонмасдиму, лекин барибир бироз иккиланардим. Бу ёғидан келсангиз, ўзим ҳам бир пайтлар, аниқроғи, собиқ СССР даврида мана шу юридика соҳасига бир неча марта қизиқиб кўрганман. Афсуски, имтиҳон топшириш у ёқда турсин, қабул комиссиясига ҳужжат топшириб олишга ҳам қурбимиз келмаган. «Иш шунақа бўлса, фарзандларимнинг келажаги нима бўларкин?» деган савол ич-ичимни кемириб келарди. Буни қарангки, ишчининг боласи ҳам шундай нуфузли даргоҳларда ҳамма қатори бемалол ўқий оладиган, бир умрлик орзу-умидлари ушаладиган даврлар келиб қолибди. Буларнинг ҳаммаси, энг аввало, Президентимизнинг одилона сиёсати, қолаверса, тест марказидаги ўртоқларнинг нақадар билимдонлиги, олий ўқув юртидаги домлаларнинг ҳақиқатпарварлигининг яна бир исботи!

Олимжон ҲАЙИТ.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

⊛ «1996 йилда пахта йиғим-терим мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди.

⊛ Шу йилнинг 2 сентябрида Тошкентдаги «Юнусобод» спорт комплексида Ўзбекистон Президенти кубоги учун профессионал теннисчиларнинг халқаро турнири бошланади. Унда жаҳоннинг энг кучли теннисчилари қатнашиши кутилмоқда.

⊛ Республикамизда Америка Қўшма Штатлари элчихонасида Ўзбекистон Мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда асосан икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқалар хусусида сўз юритилди.

⊛ Чеченистонда вазият кескинлигича қолмоқда. Россия федерал кучлари қўмондони ўринбосари К. Пуликовский Грозний тинч аҳолисига 48 соат ичида шаҳарни ташлаб чиқиб кетишини талаб қилувчи ультиматум юборди. Россия хавфсизлик кенгаши котиби А. Лебедь эса Россия кучларининг Грознийга кенг кўламли ҳужумларининг олдини олишини айтди.

⊛ АҚШ Президенти Б. Клинтон Б. Ельцинга мурожаат қилиб, Чеченистон можаросини қон тўкмасдан, тинч йўл билан ҳал этишини сўраган.

⊛ Жанубий Корея полициячилари ўз мамлакатларидан 37 минглик АҚШ ҳарбий контингентини чиқариб юборишни ва иккала Корея мамлакатларини бирлаштиришга тезда киришишини талаб қилиб чиққан 2.300 талабани қўлга олганлигини маълум қилди.

⊛ Исроил АҚШга мурожаат этиб, ундан ўз мамлакати тинчлик жараёнларини кувватлашини ва Дамашқ билан музокаларни ҳеч қандай шартларсиз тиклаш истаги борлигини Сурияга етказишни сўраган.

БАЙРАМ АРАФАСИДА

Мамлакатимиз аҳолиси Ўзбекистон истиқлолининг 5 йиллигини муносиб нишонлаш учун қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Ҳамюртларимиз чеҳрасида байрамга бўлган бир интиқлик сезилади. Қайси ташкилот ёки жамоага борманг, қутлуғ тантананинг ялпи тараддудини ҳис қиласиз. Байрам арафасида элимизнинг, айниқса бунёдкорлик фазилати янада ёрқиноқ намоён бўлмоқда — Мустақилликнинг беш йиллигига атаб қурилаётган, қайта таъмирланаётган кўркам биноларнинг саноғи йўқ.

Элимизнинг давомчилари — болажонларнинг хурсандчилигини айтинг. Янги қўйлагини «байрамга кияман» деб ният қилган, қўйлакни бесабрлик билан бағрига босган, «байрам тезроқ кела қолсайди» дея орзулаган болаларнинг хатти-ҳаракатларини кўриб завқланмаган киши бормикан?

Айтганча, болалар байрамга атаб қанақа шеър, қўшиқлар тайёрлашяпти экан, билишни истайсизми? Унда пойтахтимизнинг бош — Мустақиллик майдонига марҳамат қилинг. Бу ерда Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан келган болалар ўз устозлари раҳбарлигида тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу тайёргарликларнинг ўзиёқ бир байрам, ўзиёқ бир томоша.

Фориш туманидаги 5-ўрта мактабнинг мусиқа ўқитувчиси Олим Довиловни ҳам бош майдонда, шогирдлари қуршовида учратиб, суҳбатга тортдик.

«Бизнинг ҳам байрамга, халқимиз мустақиллигига бағишланган қўшиқларимиз бор, — дейдилар Олим ака. — Мактабимиз қошида уч йил бурун «Санъат ғунчалари» деб номланган болалар дастасини ташкил қилган эдик. Эндиликда дастамиз шаклланиб, ўзининг йўлини топиб олди. Мана, умумий тайёргарликлардаги дастамизнинг иштирокини кўриб, фаолиятимизга ўзингиз ҳам баҳо беришингиз мумкин».

— Истиқлолга бағишланган энг катта тантана шу майдонда бўлиб ўтади. Шундай катта саҳнага чиққунга қадар ҳам даста бошқа жойларда ўз дастурини намойиш қилганми?

— Дастамиз, ҳозир якунловчи босқичга кирган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танлови бўйича қатнашиб, Фориш туман халқ таълими бўлимида биринчи, Жиззах вилояти халқ таълими бошқармасида иккинчи ўринни қўлга киритди. Кўрик-танловда болалар «Жонажон Ўзбекистон» қўшиғини ижро этишди. Бу қўшиққа ҳамкасбим, тил-адабиёт муаллимаси Муҳаббат Эргашева шеъри асосида ўзим куй басталаган эдим.

— Тошкентга меҳмон бўлиб келибсизлар. Байрамга қадар яшаш учун болаларга шароит яратиб берилдими?

— Ҳа, байрам ташкилотчилари томонидан иштирокчи сифатида пойтахтнинг «Турон» меҳмонхонасидан жой олдик. Биз учун барча шароитлар етарли.

— Байрамларингиз кўнгилли ўтсин.

— Раҳмат, сизнинг ҳам!

Икром ИСКАНДАР.

КЎНГИЛЛАРДА МУЛК БЎЛИБ ҚОЛАДИ

22 август куни Тошкент шаҳрида «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш ташкилий қўмитаси ва ҳайъат аъзолари билан матбуот ходимларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Маданият ишлари вазири ўринбосари Муҳаммадали Абдуқундузов, «Узбекнаво» гастроль концерт бирлашмаси Бош директори Анор Назаров, республика Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаевлар иштирок этишди. Учрашувда кўрик-танлов эълон қилинган кундан бугунги кунгача қилинган ишлар хусусида сўз борди.

Ушбу танловда 45 мингдан зиёд киши қатнашди, ўн мингдан ортиқ қўшиқлар яратилди. Кўрик-танловда нафақат истеъдодли хонандалар, балки ҳаваскорларга ҳам катта эътибор берилди. Натижада халқ орасидаги янги-янги қобилиятлар кашф қилинди. Тошкент вилояти бўйича 12 яшар Бахтиёр Умировнинг голибликни қўлга киритганлиги ва сўнгги босқичда иштирок этаётганлиги ҳам шундан далолат бериб турибди. Танловнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, халқимизнинг қўшиқлар хазинаси яна 10 минг қўшиқ билан бойиди. Истиқлол ҳақидаги, Ватан ҳақидаги сара қўшиқлар қўшиқсевар кишиларимиз кўнглида ушбу тадбирдан бир эсталик, бир мулк бўлиб қоладиган бўлди. Танловнинг сўнги босқичини кузатиш, томоша

(Давоми 4-бетда)

Газетада босилгач...

«САМАРҚАНД САФАРИ»ДАН СЎНГ

Газетамизда шу сарлавҳа остида танқидий мақола берганимизга ҳам салкам бир йил бўлди. Бизнинг яна шу мавзуга қайтишимизга эса Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармасидан таҳририятимизга келган телеграмма сабабчи бўлди. Унда янги, 1996-97 ўқув йилига ҳамда кузги-қишки мавсумга тайёргарликни биринчилардан бўлиб тугаттан туманлар қаторида Оқдарё ҳам тилга олинганди. Ёдингизда бўлса, «Самарқанд сафари»да бу тумандаги мактабларнинг қўпчилигида ўқитувчиларнинг таълим бериши, ўқувчиларнинг таълим олиши учун етарли шароит йўқлиги айтилганди. Қолаверса ўтган йили вилоятда авария ҳолатидаги мактаблари кўп бўлган туманлар ичида Оқдарё «биринчи» ўринда эди. Мавжуд 49 та илм масканидан 14 таси яроқсиз ҳолга келганди. Шу каби шубҳалар, ундан-да биринчи, айтган «аччиқ» гапимизнинг ширин мевасини кўриш умиди бизни яна ўша туманга етаклади.

Узига хос тикланиш деб баҳоласа бўладиган бу жараён ибтидоси билан қизиқдик. Туман халқ таълими мудири Шоҳида Нигматова гапни газета шаънига илиқ сўзлар айтиш билан бошлади.

— Танқидий чиқишдан сўнг барча раҳбарларнинг мактабларимизга эътибори ўзгарди. Вилоят ҳокими Алишер Мардиев ҳам мактабларимиз аҳволи билан қизиқди. Айниқса у киши 34-мактабда бўлганида, бинонинг кўринишн 50-йилларни эслатганлигини минг афсуслар билан айттанди.

Шундан сўнг ишлар жонланиб кетди. Вилоят халқ таълими бошқармаси, туман ҳокимлиги тезда вазиятни ўнглаш чора-тадбирларини белгилаб чиқди. Биз эса барча ўқитувчиларни бу ишга жалб этдик. Негаки, мактабни ўз уйидек ҳис этмаган, унинг кўринишини ўз юзидек тасаввур қилолмайдиган ўқитувчини мен ҳақиқий муаллим дея олмайман. Шу-шу бўлдию ишларимиз, кўриб турганингиздек анча ўнгланиб қолди.

Биз янги қурилган ва жорий таъмирдан чиқарилган мактабларни кўздан кечирдик. «Қаҳрамон» жамоа хўжалиги ҳудудидаги биратўла иккита мактаб учун (30, 35) 420 ҳамда 240 ўринли янги бинолар қуриб битказилибди. Шунингдек, 4, 29, 42, 44-мактаблар ёнига жами 320 ўринли қўшимча синфхоналар қўшилибди. 34-мактаб тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилиб, унда компьютер синфхонаси таш-

(Давоми 2-бетда)

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

ДЕНГИЗДАН ТОК

Исроилдаги «Деко Эц» заводининг бошлиғи Ш.Овадий денгиз тўлқинлари ёрдамида электр токини етказиб берувчи 2 миллион доллардлик асбобни ихтиро қилди. Электр токини арзонлаштириб берувчи бу янгилик аллақачон дунёнинг саксон беш давлатида қўлланила бошлади.

КОМПЬЮТЕР ТАЪБИРИ

Германиянинг Франкфурт-майн шаҳридаги Зигмунд Фрейд номли институтда 57 ёшли В.Лойшнер бошлиқ олимлар одам тушининг аниқ таъбирини берувчи компьютер дастурини тузмоқдалар. Лекин бунинг учун киши институтдаги махсус ўринда етиб туш кўриши лозим.

КИНОЧИ ТАЛАБАЛАР

Тель-авив шаҳрида дунёнинг 85 давлати студентлари иштирокида олинган бадиий фильмларнинг олтинчи фестивали бўлиб ўтди. Беллашувнинг асосий икки мукофотини Иерусалим кино мактабининг талабалари қўлга киритдилар. Исроил телевидениеси голибларга ютуқ учун 10 минг доллар мукофот берди.

ЖИНОЯТГА ҚАРШИ

АҚШ инженерлари 2 км кв. масофадаги ўқотар қуролнинг товушини илгаб олиб, отишма бўлаётган жойни аниқлаб, маълумотни махсус компьютерга узатувчи сигарет қутисидек келадиган микрофонни яратдилар. Вашингтон, Лос-Анжелос полицияси уларни кўчалардаги светофорларга қўйиб чиқа бошлади.

ХУЛОСА

Франциядаги ичимликлар илмий тадқиқот институтининг олимлари 10 йил давомида 700 нафар ёшларни кузатиш натижасида аниқ хулосаларга келдилар. Ичкиликка берилганларнинг 60 фоизи усмирлик даври — 13-18 ёшларида ичкиликка ружу қўйган кишилар экан. Ёшликда эҳтиёт бўлганларнинг аксарияти кейинчалик ҳам камдан-кам ичар экан.

Газета саҳифаланаётганда

ПОЙТАХТ МАОРИФЧИЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларининг анъанавий август кенгашлари бўлиб ўтди. Унда туман халқ таълими бўлими мудирлари, мактаб директорлари, богча мудиралари, ота-оналар, оталиқ ташкилотлари раҳбарлари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманни Тошкент шаҳар ҳокимининг муовини Шуҳрат Жалилов кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

Шаҳар халқ таълимининг ўтган беш йил давомида эришган ютуқлари ва галдаги вазифалари тўғрисида Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев маъруза қилди.

Кенгаш ишида Узбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўжаев, шунингдек, Узбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жура Йўлдошевлар иштирок этишди ва сўзга чиқишди.

Қ. МАТҚУРБОНОВ.

(Август кенгашига бағишланган ҳисоботни газетамизнинг навбатдаги сонида ўқийсиз).

МММ — ХАБАРЛАРИ

QO'L DUODA BO'LSA BAS

«Oltin meros» xayriya fondi yana bitta xayrli ishni amalga oshirdi. Mamlakat ravnaqi, fan, madaniyat rivojiga ulkan hissa qo'shgan bir guruh keksalar hayoti haqida bir yarim soatlik teleko'rsatuv yozib olindi. Bu ishni amalga oshirishda esa badiat, manbashunoslik bolimi mudiri A, Rasulov hamda videotasvir ustasi Sh. Karimovlarning xizmatlari beqiyosdir.

БОШ ҚАШИШГАЯМ ВАҚТ ЙЎҚ

Бўз туманидаги 24- болалар богчасида вилоятда биринчилардан бўлиб гимназия синфлари очилганди. Ҳозирга келиб бу усул ўзини оқлади. Шу кунгача тасвирий санъат, тўқимачилик, чеварлик бўйича ўнлаб иқтидорли болалар кашф қилинди.

Яқинда эса мазкур богча базасида туман ҳокимлигининг мададига суяниб гимназия-интернат ташкил этилди. Кўпчилик ота-оналар бу интернатга болаларининг тақдирини астойдил ишониб ҳар куни богча эшигини тақиллатишгани-тақиллатишган. Қабулда ўтирган ходималарнинг эса, тўғриси, бош қашишгаям вақти бўлмай қолди.

ИЛМ ЎРГАНГАН — САВОБ

У. Юсупов туманига қарашли Марказий кутубхонага қачон ташриф буюрманг, доим китобга «мукка»сидан кетиб ўтирганларни албатта учратмай иложингиз йўқ. Негаки, М. Муртазоева, Н. Очилова, З. Тўхтаевалардек ширин сўзли ходималар мақтаса арзийдиган хизматни аллақачон йўлга қўйиб олишган.

Ҳозирги кунга қадар кутубхонада 13531 та турдаги ижтимоий-сиёсий, маданиятга алоқадор китоблар мавжуд эди. Аммо сўнгги пайтда китобхонларнинг кўпроқ ўтмишга алоқадор асарлар билан қизиқаётганлиги аниқ билиниб қолди, денг. Шу сабабли ҳам яқинда олис ва яқин тарихимизни акс эттирувчи 1343 та китоб зудлик билан олиб келинди. Ажаб эмаски, келгусида китоб ишқибозлари янаям кўпайиб кетса!

МММ — ХАБАРЛАРИ

SOVG'ANING ENG KATTASI

Shoir A. Oripovning atoqli davlat arbobi Amir Temur hayotidan darak beruvchi besh pardali «Sohibqiron» sheriy dramasi Berdaq nomli Qoraqalpoq musiqali teatrida ilk bor namoyish etildi. O'zbekiston xalq artisti N. Angsotboyev dramani Qoraqalpoq tiliga o'girgan va uni sahnalashtirgan. Qoraqalpog'istonda xizmat ko'rsatgan san'at arbobi K. Zaredinov esa dramaga musiqa bastalagan.

Муаллифлар: М. ЭРОНОВ
Ҳ. РУСТАМОВ
Ф. ЭШҚУЛОВ
Ё. ЁҚУБОВ.

«САМАРҚАНД САФАРИ»ДАН СЎНГ

(Боши 1-бетда).

кил этилди.

— Бу ишларнинг барчаси ҳокимимиз ташаббуси билан, ҳашар усулида бажарилди. Жамоа хўжаликлари бирлашиб, бири пул, бири қурилиш материалларидан ёрдам қилиб, кучлар бир жойга жамланиб амалга оширилди, — деди Шоҳида опа.

Шу уринда Самарқанд тумани ҳокими Раҳима Ҳакимованинг бу борадаги тажрибасининг бошқа туманлари тажрибасини кўрдик, десак хато бўлмас. Маъқул ташаббусни тан ола билиш, уни ўзида қўллай олиш ҳам раҳбарнинг мақтаса арзигулик хислати, уддабуронлиги.

Эътиборимизни тортган яна бир нарса — у ишни ташкил этишдаги туман халқ таълими бўлимининг тутган ўзига хос йўли бўлди. Шу йилнинг март ойида режалаштирилган таъмирлаш юмушларидан сўнг Шоҳида Нигматова барча мактаб директорларини, халқ таълими бўлими ходимларини йиғиб, автобус ташкил қилиб огоҳлантиришсиз тўғри келган мактабга олиб борган. Етмиш чоғли киши ўша мактабни тўлиқ кўздан кечириб бажарилиши лозим бўлган ишларни жойида муҳокама қилишган. Зарур амалий ёрдамни ҳам ташкил этишган.

— Албатта иш бошида нотўғри тушунганлар ҳам бўлди, — деди Ш. Нигматова. — Бироқ барча тадбирлар уларнинг ўзи учун қилинаётганлигини англагач, фикрлари ўзгарди. Бизга биргина таъмир жараёнида ишчи кучлар сифатида ўқитувчилардан фойдаланганлигимиз 5 млн. сўм фойда келтирди. Уни биз аввало мактабларимиз моддий базасини яхшилашга, ўқитувчи ва ўқувчиларни рағбатлантиришга сарф қилишни кўзлаганмиз.

Ундан ташқари туман педагогика жамияти қошида ташкил этилган оҳак цехида 100 тонна оҳак тайёрланди. Илгари оҳак Жиззахдан олиб келинарди. Қанча ишчи, ёнилғи, транспорт сарсон. Унинг устига бир миллион сўм турадиган бу оҳакка санаб ўтилган харажатлар қўшилса қанча бўлишини тасаввур қилинг. Шунингдек жамият қошида парталар таъмирини йўлга қўйдик. У ҳам анчагина оғиримизни енгил қилмоқда.

Бу гапларни эшитиб, туманда таълим соҳасида комплекслашувга, яъни тўлиқ ўз-ўзига хизмат кўрсатишга эришишга илк қадамлар қўйилаётганлигига амин бўлдик. Негаки, ҳозир замон шуни талаб қилаяпти. Унга бўлган интилиш рағбатлантирилмоқда.

Таъмирдан ташқари, кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ҳам туманда яхши йўлга қўйилган. Олиниши лозим бўлган 4 тонна кумирнинг 3 тоннаси келтирилиб, мактабларга тарқатилибди. Қолгани шу кунларда олинар экан. Туман ҳокимияти шу йилнинг ноябригача 10 та мактабни газлаштиришни ўз режасига киритган.

Ўйлаймизки, Республикамиз Вазирлар Маҳкамасининг **«2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»**ги қарори бу каби ишларнинг жадаллашувига, уз вақтида бажарилишига муносиб туртки бўлади.

Абдусамат РАҲИМ.

ИСТАК

Азиз ҳамкасблар! Сизга истагим шундай: «Олим бўлмасангиз ҳам оламдан хабардор бўлинг, устоз-муаллим!» Чунки сиз сабоқ бериб, онгига зиё — илм сингдираётган талабаларингиз орасида улуғ аллома, буюк олим, ижодкор ихтирочи, улкан иқтидор эгалари бор. Ҳар бир дарсни чуқур ўйлаб, ҳаётдан лаҳза чуғ қўшиб, қалбини алангалатиб сабоқ ўргатинг. Талаба тафаккури Сизга боғлиқ. Бу мустақил Ватаннинг, эл-юртнинг ўқитувчи олдига қўйган талабидир.

Анвархон АҲМАДҚОРИ ўғли,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, ҳунар бўйича олий тоифали методист-ўқитувчи.

Хулкар Шамсиева Тошкент шаҳридаги 106-мактабнинг ёш математика ўқитувчиси. Ёшлигидан болаларни қаттиқ севгани учунми, у бутун ёзги таътил даврини ҳам фарзанд тарбиясига бағишлабди, қизчасига турли янги ҳаракатлар ўргатишга, унинг яйраб-яшнаб катта бўлиши учун катта имконият яратишга ҳаракат қилибди!

СУРАТДА: Ҳ. Шамсиева қизчаси ҳамда 59-мактабнинг 10-синфида ўқийдиган синглиси Назокат билан.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ЯНГИ АЛИФБО ВА ИМЛО

1996-97 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг 1-синфларида лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси ўқитила бошлайди. Миллий ёзувнинг янгиланиши диққатга сазовор, албатта. Бироқ жойларда бу жараёнга қандай тайёргарлик кўрилди. Илм масканлари дастур ва методик қўлланмалари билан таъминландими? Таълимнинг педагогик, ташкилий жиҳатлари қай йўсинда бўлади? Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бўлиб ўтган узлуксиз таълим тизимига янги алифбо ва имлони жорий қилиш муаммолари юзасидан республика илмий-амалий анжуманида ана шу каби масалалар ҳақида атрофлича фикр алмашилди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари Хайриддин Маъсудов кириш сўзи билан очди.

Ялпи мажлисда «Ўқитувчи» нашриётининг директори Рустам Мирзаев, Ўзбекистон Республикаси ФА Тилшунослик институти директори Азим Ҳожиев, ЎзПФИТИ катта илмий ходими Йўлдош Абдуллаевлар янги алифбо ва имло асосида ўқув фанлари бўйича дастур, дарслик, ўқув ва кўрсатмали қўлланмаларнинг нашр қилиниши, янги алифбо ва имлони белгилашнинг асосий тамойиллари, янги алифбони ўргатиш усуллари мавзуларида маърузалар қилишди. Нотиқлар масъулиятни чуқур ҳис қилиш, икки алифбодан фойдаланишда тушунчаларни тўғри талқин қилиш, ёзма ва босма ҳарфларни параллел ўргатиш масалаларига алоҳида урғу беришди. Сўнгра улар вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти вакиллари ва муаллимларни қизиқтирган саволларга ҳам жавоб бердилар.

Кунниг иккинчи ярмида анжуман иштирокчиларининг шўъба йиғилишлари давра суҳбатлари шаклида давом этди. Давра суҳбатларида ўғил-қизларни мактабга тайёрлаш, мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларида ўзбек тили имлоси юзасидан бериладиган билим ҳажми, янги алифбо ва имлони ўргатиш усуллари, ўрта ва олий педагогика ўқув юртларида янги алифбо ва имло юзасидан текширув ва курс ишлари муаммолари каби мавзуларда баҳс юритилди.

Якунловчи йиғилишда таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилди, тавсиялар қабул қилинди. Анжуман ишида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев иштирок этди.

Қ. МАТҚУРБОНОВ.

Янги ўқув йилига тайёрмисиз?

Янги ўқув йилига саноқли кунлар қолмоқда. Истиқлолимизнинг беш йиллиги нишонланадиган 1 сентябрь кунини маорифчилар алоҳида шукуҳ, қувонч билан кутиб оладилар. Ўрганч шаҳри маорифчилари ҳам улуғ байрам — Мустақилликнинг беш йиллигини муносиб қаршилаётирлар. Шаҳар халқ таълими бўлими мудири Қаррибой БЕРДИЕВ мухбиримизга бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

— Буюк байрам — Мустақиллик кунига педагогик жамоаларда яхши тайёргарликлар кўрилмоқда. Энг аввало, мактабларимизнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашга катта аҳамият бераяпмиз. Шаҳримизда лицей, гимназия, махсус мактаб, мактаб-интернат ва умумтаълим мактаблари 30 та. Уларнинг лойиҳавий қуввати 26032

КАФОЛАТ

ўқувчи ўринлик. Амалда уларда 30292 бола таълим олади. Шундан. биринчи сменада 19594 ўқувчи, иккинчи сменада эса 10696 ўқувчи (ёки 35,3 фоиз) ўқишади.

Шаҳар ҳокими Рустам Султонов маориф ишини ривожлантиришга, мактабларнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашга катта ёрдам бераяпти. Ҳокимнинг ташаббуси ва ёрдами билан «Прогресс» массивида 844 ўринли янги мактаб биноси, «Навруз» шаҳарчасида эса 320 ўринли янги синфхоналар қурилмоқда.

Шуни мамнуният билан айтиш лозимки, ҳокимиятнинг 1996 йил 178-сонли қарори билан мактабларнинг ҳар бирига 3-4 тадан қурилиш, саноат, транспорт ва алоқа, кичик ва хусусий корхоналар оталиқ ташкилотлари сифатида бириктириб қўйилди. Уларнинг кўпчилиги ўз имкониятлари доирасида мактабларга ёрдамлар уюштираётирлар. Шу бугунга қадар билим масканларининг аксарияти жорий таъмирлашни тамомлади. 7 та мактабда капитал таъмирлаш давом этмоқда.

Синфдан ташқари муассасаларнинг барчаси, болалар боғчаларининг 21 таси жорий таъмирлашдан чиқарилди.

Таълим масканларининг ҳаммаси электрлаштирилган, телефонлаштирилган, тоза ичимлик суви билан таъминланган, канализация тизимлари ишлаб турибди. Мактабларга электр, сув, газ улчагичлар ўрнатилган. Болалар учун 58 номдаги 62306 та дарслик олиниб, мактабларга тарқатилди.

Маълумки, шу йил сентябрдан биринчи синф болалари ўқишни лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосида бошлайдилар. Биринчи синфларга 3200 бола қабул қилинади. Уларнинг 1300 нафари болалар боғчаларида янги алифбони ўрганаётирлар. 1900 бола март ойидан ҳозиргача «якшанба мактаблари», маҳалла курслари, уйларда мустақил ва мутахассислар ёрдамида ўқишга тайёрланмоқда. Лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосида машғулот олиб бориш учун 241 ўқитувчи (мўлжалдагидан 2 баравар кўп) ва 98 нафар тарбиячи вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институтидаги қайта тайёрлаш курсларида ўқиб, билимларини оширишади.

Шаҳар боғчаларининг умумий қуввати мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг 50 фоизини қабул қилишга бемалол етади. Шуни ҳисобга олиб, боғчалар сонини кўпайтириш, мактабларнинг бир сменалик ишга ўтиш жараёнини тезлаштириш устида изланишлар олиб бораяпмиз.

Педагогик йўналишдаги лицей, гимназия синфлари ташкил қилиш, чет тилларини чуқур ўрганиладиган синфларни 3- ва 12-мактабларда очиш, 6-мактабда эса банк, бизнес синфларини ташкил этиш учун тайёргарлик ишлари олиб борилаётир.

Болаларнинг ёзги дам олишини намунали ташкил этиш юзасидан ҳам анча ишлар амалга оширилди. 8 та мактаб қошида теннис кортлари қурилиб ишга туширилди. Машғулот олиб борадиган мутахассислар малака ошириш курсларидан ўтишди.

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос қонуниятлари халқ таълими соҳасига таъсир қилаётганлиги маълум, албатта. Бу борада ҳам муайян ишлар олиб бормоқдамиз. Мактаблар қошида кичик корхоналар ташкил этиш жараёни қизғин кетаяпти. Жумладан, 9 та мактабда янги турдаги йўналишга асосланган кичик корхоналар очиш ниҳоясига етказилди.

Аввалдан ишлаётган кичик корхоналар фаолияти кучайтирилмоқда. Бу ўринда, айниқса, 5-мактаб (директори Давронбек Каримов) қошида ташкил этилган «Умрбек» кичик корхонаси фаолияти алоҳида таҳсинга сазовордир. Кичик корхонага тадбиркор-педагог Реимбой Бойжонов раҳбарлик қилаяпти. Корхона тикувчилик, гилам ва палос тўқувчилик, қандолатчилик, дурадгорлик, этикдўзлик, сартарошлик, мева ва сабзавотлардан консервалар тайёрлаш, улгуржи савдода воситачилик, савдо билан шуғулланиш каби ишларни адо этаётир. Натижа чакки эмас, мактаб ҳисоб рақамига маблағ тушиб турибди. Шунинг учун ҳам мазкур мактаб жамоаси таъмирлаш ишларини биринчилардан бўлиб тугатиб, бошқаларга ибрат кўрсатишди.

Қисқаси, янги ўқув йилини, мустақилликнинг беш йиллигини ёруғ юз билан кутиб олиш ниятимиздир. Ҳа, ютуқларимиз яна кўпаяверади, бунга истиқлолимиз кафолат беради!

Суҳбатни ёзиб олувчи Ғойиб ЁҚУБОВ, ўз мухбиримиз.

Август кенгашлари

ЯНГИЧА ИШЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

Ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашлари ҳар йили ўтиб турса-да, улар қайсидир жиҳатлари билан бир-биридан фарқ қилади. Зеро, мустақиллик нафаси билан яшаб, меҳнат қилаётган халқимизнинг бунёдкорлик фаолиятида янгиликлар ва ижобий ўзгаришларни ҳам кўплаб санаш мумкин.

«Янгича даврга — янгича иш услуби» бугунги кунимизнинг шиори бўлиб қолаётир. Биз буни Хўжайли тумани маорифчиларининг кенгашларида яққол ҳис этдик. Кенгашга Қорақалпоғистон Республикаси барча шаҳар ва туманлари халқ таълими бўлими мудирлари, ташкилот ва муассасалар вакиллари ташриф буюришди.

Кенгашнинг ялпи йиғилишида туман халқ таълими бўлими мудири Узоқберген Имаматдинов «1995-96 ўқув йилида бажарилган ишлар ҳисоботи ва 1996-97 ўқув йилининг долзарб вазифалари» деган мавзуда маъруза қилди. Сўнг туман ҳокими С. Нурхўжаев Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг туманда қандай бажарилаётгани хусусида ахборот берди.

Музокараларда 7-ўрта мактаб ўқитувчиси О. Абилғозиева, 43-мактаб директори О. Қулбоев, 3-болалар боғчаси мудираси У. Дошетова, туман бирлашган шифохонасининг бош шифокори А. Мадаминов, болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг директори Ю. Бауетдинов, туман «Камолот» жамғармасининг бошлиғи К. Хўжаниёзов ва бошқалар сўзга чиқиб, ёшлар таълим-тарбиясини янада такомиллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди, муаммоларни ечишнинг амалий жиҳатлари тўғрисида тўхталдилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг фан ва малака ошириш бўлими бошлиғи Мейли Лафасов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари Ажиниёз Тожибоевлар қатнашдилар ва нутқ сўзладилар.

Якунловчи йиғилиш охирида Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири Т. Отамуротов бир гуруҳ зиёкорларга Фахрий ёрлиқ ҳамда «Халқ таълими аълочиси» нишонларини топширди.

Ғ. ЁҚУБОВ,
Г. ОЛЛАБЕРГАНОВА.

Халқ таълими фидойилари

УСТОЗ



Орамизда шундай шахслар ҳам борки, улар ўзларининг бутун фаолиятларини таълим-тарбияга, келажак авлодни баркамол бўлиб вояга етишига бахшида этадилар. Бундай кишилар шифокорлар орасида бўлсинми, муаллимми, маҳалла фаолларидами ўзларининг биринчи виждон бурчлари деб таълим-тарбия кучасига кириб қолганликларини ўзлари ҳам гоҳида сезмай қолишади. Айниқса, бундай хислатга эга бўлган киши маҳалла оқсоқоли бўлиб қолса, нур устига аъло нур бўлади. Ҳамза туманидаги Нодира номи билан аталувчи маҳалланинг оқсоқоли Неъматжон ака Ҳасанов шундай олижаноб кишилардан. Неъматжон ака шу йил олтмиш ёшга тўлди. Шундан 30 йилини Тошкент политехника институти — ҳозирги техника университетида ўтказди. Оддий ассистентликдан фан номзоди, доцент лавозимигача кўтарилди. Ёшларнинг дадил маслаҳатчиси, жонкуяр тарбияловчисига айланди. Тарих фанидан сабоқ берар экан, биринчи навбатда, миллий қадриятлар у кишининг дилидаги ва тилидаги сўзга айланарди...

Неъмат Ҳасанов мана 21 йилдирки, Ҳамза туманидаги Нодира номли маҳаллада оқсоқол бўлиб ишлаб, айниқса, ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор бераётир. У биринчилардан бўлиб оила-мактаб ва маҳалла ҳамкорлигига асос солди. Ҳозир тумандаги 227-мактаб жамоаси маҳалла фаоллари билан биргаликда қатор тадбирлар ўтказаётир. Суҳбатлар, маърузалар мавзуси ишлаб чиқилди. Маҳалла ўғил-қизлари икки томонлама назоратга олинди. Хулқи салбийлашиб бораётган ўқувчиларнинг ўзлари билан яккама-якка суҳбатлар, гоҳо уларнинг ота-оналари билан маҳаллада олиб борилган ишлар самара берди. Ўқувчилар «Ота-онамизни маҳалла идорасига чақирмасангиз бўлгани, биз яхши ўқиб, ножўя ишларни қилмаймиз», деб маҳалла оқсоқолига сўз берадиган бўлишди. Шу боис Янгиобод даҳасида Ҳамза туманида, ҳатто шаҳримизда Неъматжон акани танимаган одам топилмаса керак.

Неъматжон Ҳасанов Ҳамза тумани бўйича Маҳалла ишларини мувофиқлаштириш Кенгашини ҳам бошқарди. Кенгашнинг самарали ишлари туфайли туман маҳаллалари Тошкент шаҳри маҳаллалари орасида намунали деб топилди. Неъматжон ака маҳалладошларининг ўзлигини таниш-да, миллий қадриятларнинг тикланишида, ёшларга маҳалла қадриятларини тушунтиришда ташкилотчилик ишларини олиб борди. Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси билан яқин алоқада, мулоқотда бўлган Неъматжон ака «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишони билан тақдирланди. Ёшларнинг билимли, ишбилармон бўлишларига ҳисса қўшиб, ҳамон маҳалла сардори сифатида иш олиб бормоқда. У кишидаги изланиш, элим деб, юртим деб ёниб яшаш хислати, интилиши фидойилик НЕЪМАТИни улашиб юргандек туюлади бизга ва у билан фахрланамиз.

Турсунпўлат ХОЛМУХАМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Азимжон ХОЛИҚОВ,
Ҳамза тумани халқ таълими бўлими ташкилотчиси.

Ҳамкорлик ва изланиш самараси

Янгиқўрғон туманида янги ўқув йилига қандай тайёргарлик кўрилди? Шу ҳақда туман халқ таълими бўлимининг мудири Сайфиддин Турабоев қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Дарҳақиқат маорифчиларимиз Мустақилликнинг беш йиллигини ёруғ юз билан кутиб олишяпти. Юртимиз келажаги яратувчиларини тарбиялаш борасида ижодий, самарали меҳнат қиляпмиз, изланяпмиз. Барча таъмирлаш ишлари жорий йилнинг июнь ойидаёқ тугатилган эди. Айниқса, мактаб биноларини таъмирлашда 2, 4, 8, 11, 15, 16, 21, 43-мактаб директорлари Сайдолим Сайдалиев, Абдуқаҳҳор Сатторов, Юсуфжон Дадабоев, Ёқубжон Усмонов, Борижон Исоқжонов, Иноможон Мақсудов, Малика Тўхтабоева, Роҳила Жалиловалар шахсий ташаббускорлик намунасини кўрсатдилар. Бу ишларни амалга оширишда туман хокимлиги, оталиқ ташкилотлари, ота-оналар, ҳомий ташкилот ва ҳуқуқий шахслар фидойи бўлишди.

401 нафар ўқитувчи лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосси бўйича тайёрловдан ўтказилди. 1-синфга борадиган 3800 ўқувчига янги ўзбек алифбосидан мактаб ва болалар боғчаларида дастлабки машғулотлар олиб борилди.

Янги ўқув йилида мактабларимизда 32 минг ўқувчи таълим олади. Уларга 3 мингга яқин ўқитувчи сабоқ беради. Шу кунларда ҳамма билим учоқларида Мустақиллигимизнинг 5 йиллиги ҳамда буюк бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини муносиб кутиб олиш учун катта ҳозирлик кетяпти.

Элсевар ҲАМДАМ суҳбатлашди.

ЛИЦЕЙНИНГ БЕДАЗОРИ

Аниқ режалар асосида иш юритиб, қонун талабларидан чиқмаган ҳолда у ёки бу соҳада ишбилармонлик, тадбиркорлик ишларини юритиш ўтиш давридаги молиявий тақчилликларни четлаб ўтишнинг энг қулай йўлларидан биридир. У.Юсупов тумани ҳунар лицейи жамоаси ҳам бу борада ўзига хос йўл тутаётир. Лицей жамоаси эрта баҳордаёқ 60 гектар ер олиб, яхши ният билан деҳқончилик ишига қўл урди. Дастлаб 30 гектар майдонга сифатли ишлов берилиб, сара беда уруғи сепилди. «Тер тўкиб сепсанг уруғ, ер сени қўймас қуруқ». Ҳа, беда ҳосили қилинган меҳнатга яраша бўлди. Ҳозирнинг ўзидаёқ режа 150 фоизга ошириб бажарилди. Ўзаро тузилган шартномага асосан юз тоннадан зиёд «кўк беда» тумандаги «Янгиобод» жамоа ширкат хўжалигига сотилди. Мавжуд майдондаги беда суғорилиб, яна парваришланмоқда. Лицей жамоаси бедазорларига ҳали тағин саратоннинг охирию кузнинг келиши билан кам деганда икки маротаба ўроқ солишмоқчи. Мана сизга соф фойда! Мана сизга «жарақ-жарақ» пул. Қилинган даромад ҳисобига лицей биноси тўлиғича сифатли таъмирланди. Фан хоналари кўнгилдагидек жиҳозланяпти, ёрдамга муҳтож оила фарзандларига ёрдамлар уюштирилаяпти.

— Насиб бўлса, бу йил деҳқончилигимиздан яхши даромад оламиз деб ният қилиб турибмиз, - дейди биз билан суҳбатда ҳунар лицейи директори Ҳазратилло Рўзиев. - Роппа-роса 30 гектар ерга пахта ҳам экканмиз. Ғўзаларимизнинг ривожи жуда яхши...

Ҳа, доно халқимиз айтганидек, «Изланганга ҳамма вақт имконият топилади». «Олма пиш, оғзимга туш» қабилида иш юритаётганлардан худонинг ўзи асрасин.

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ТАЪЛИМ

Ўтган беш йил ичида жамиятимизда маънавий ҳаётнинг янгиланишини равнақ топтириш жараёни давом этди. Президент И. Каримов айтганларидек, Ўзбекистон заминида келажаги буюк давлатни барпо қилиш учун унинг маънавий пойдевори мустаҳкам бўлмоғи зарур. Бундай пойдевор аждодларимиз қолдирган маънавий меросдир. Бу мерос бебаҳо хазина бўлиб, ундан оқилона фойдаланишимиз зарур, аждодларимиз васиятига содиқ бўлмоғимиз керак.

Мустақиллигимизнинг беш йили давомида Ўзбекистонда қўйидаги маънавий-ахлоқий жиҳатлар ривожланди ва мустаҳкамлана борди:

— умуминсоний ва миллий қадриятларга ҳурмат-эътибор;

— халқлар маънавий меросининг қайта тўғилиши ва такомиллаштирилиши;

— илм-зиё салоҳиятининг янада ривожлантирилиши;

— ватанпарварлик, иймон ва виждон бирлигининг вужудга келиши;

— миллий тикланиш жараёнининг шаклланиши (И. Каримов, «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», Т., 1995, 36-42, 153-171-бетлар).

Фан, адабиёт ва санъат намояндалари, маънавий маданиятни яратувчилар ҳамда тарғиботчилар, муаллимлар, ўрта махсус ва олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари, маданий муассасалар ходимларига меҳр-ҳурмат ортди. Буюк аждодларимиз — Баҳовуддин Нақшбандининг 675 йиллиги ва Мирзо Улуғбекнинг 660 йиллиги таваллудлари умумхалқ тантаналари вазиятида ўтди. Бу йил— Соҳибқирон Амир Темур йили кенг нишонланмоқда.

Қўплаб миллий ва ижодий ташкилотларда улуғ алломалар ҳаёти ва маънавий мероси ҳақида илмий-назарий конференциялар бўлиб ўтди.

Барча ҳаракатларимиз янги миллий тикланиш ғоясини юзага келтириб, жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар ҳамда миллат ва элатлар бирлашган ҳолда келажаги буюк давлат — мустақил Ўзбекистоннинг барпо бўлишида фаоллик кўрсатмоқдалар. Президент И. Каримов мустақил тараққиёт миллий тикланиш мафкурасини қуйидагича таърифлади: «Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим.

Шу билан бирга мафкура халқимизда ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда, умуминсоний қадриятларига асосланиб, жаҳон ҳамжамиятининг мустақил давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ўлароқ муносиб ўрин эгаллашга доимий интилиш ҳиссини тарбияламоғи керак.

Ватанпарварлик, иймон ва виждон бирлиги мустақил миллий мафкуранинг ажралмас қисмидир. Ҳозирги шароитда мамлакатимиз раҳбарияти ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий тикланиш ғурури руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқда. Яқинда «Камолот» жамғармаси ташкил қилиниши ҳам бунинг мисолидир.

Давлатнинг узоқни кўзлаб ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш сиёсати, уларга диққат-эътибори республиканинг демократик ривожланиши хусусиятларидан келиб чиқади. Ёшлар ҳаҳолининг қўпчилик гуруҳини ташкил қилиб, Ўзбекистоннинг янги шароитдаги ривожланишида уларнинг билими, салоҳияти, куч-қувватини, янгиликни билишга интилиши, замонавий воситалар ва услубларни қўллашга йўналтириш ниҳоятда аҳамиятлидир. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон учун Ватан тақдирини ўз тақдири билан узвий боғлаган садоқатли ҳамда Ватан ва халқи деб кучини, ўз меҳнатини, агар керак бўлса, жонини ҳам фидо қиладиган ёшларни тарбиялаш керак.

Сўнгги беш йил ичида мамлакатимизда бир нечта ижтимоий ҳаракат ва партиялар юзага келди (Халқ демократик, «Ватан тараққиёти», «Адолат» социал-демократик, «Миллий тикланиш» демократик партиялари ва «Бирлик» ҳаракати). Уларнинг ташкил топишини ижобий ҳолат деб қараш керак. Мустақил ҳукуматимизнинг тараққиёт йўлини аниқ белгилашда турли қарашлар, баъзан ҳукумат фаолиятини тўғри йўлга йўналтириш борасидаги танқидий мулоҳазалар — буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг истиқболли келажагини таъминлашда ёрдам беради.

Аҳлия органларида руҳхатга олинган партия ва ҳаракатларнинг эркин фаолият кўрсатишлари учун ҳамма шароитлар яратиб берилди. Шунингдек, уларнинг фаолият доираси қонун доирасида бўлиши назорат қилиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XII чақириқ X сессиясида сиёсий партиялар, жамоат ҳаракатларига, Ўзбекистоннинг барча аҳолисига қарата мурожаатнома қабул қилинди. Мурожаатномада эришилган ижобий натижаларни мустаҳкамлаш, одамларимиз турмушини изчил яхшилаб бориш учун кўп миллатли жамиятимизнинг ҳамжиҳатлигини янада кучайтириш, давлатимиз мустақиллиги йўлида бор куч ва имкониятларимиздан тўла-тўкис, оқилона фойдаланиш барчамизнинг долзарб вазифамиздир», дейлади.

Маънавий маданиятимиз — ўзлигимизни, урф-одатларимиз, анъанаю удумларимизни англатиб борса, унинг негизи, бой ўтмиши қайта тикланмоқда. Яъни, тарих, тарихнинг бой, маънавий, истиқболли меросисиз бугунги озод ҳамда Мустақил давлат — Ўзбекистонни тасаввур қилиб бўлмайди, албатта. Шу боисдан ҳозирги она тирихимизнинг инсонлар ҳаёти, турмуш тарзи — ўтмиш инъикосининг ҳақиқий фактологик кўринишидир.

Демакки, бобоколонларимиз орзу-умиди, расм-русм удуми ҳамда инсонпарварлик руҳида тарбиялашнинг омили бўлганлигини бир соония ҳам унутмаслигимиз керак. Ҳар бир миллат ва элатнинг ривожланиши мустақиллик белгилари асосида шакллана борса, жараёнлар тўқнашуви, миқдорнинг сифатга айланиши тарихий бир ҳодисадир.

Шу уринда Ватан тарихи — Ўзбекистон тарихини урганиш ва ўқитиш масалаларига бағишланган илмий-назарий конференциялар ва бошқа тадбирлар ролини алоҳида таъкидлаш даркор. Ўзбекистон тарихи фани ягона Концепциясининг яратилиши, дастурлар (таълим тизимининг барча бўғинлари учун) дарслик ва қўлланмаларнинг ёзила бошланиши катта маърифий ва таълимий воқеадир.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг мумтоз расм-русм, анъана ва удумлари қайта тикланди. Эндиликда Наврўз, Рамазан ва Қурбон ҳайитлари, Ўзбекистон Конституцияси ҳамда Мустақиллик кунлари кенг байрам қилинмоқда.

Маънавиятни ривожлантиришга оид қўйилган муҳим қадамлардан яна бири Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг барпо этилиши бўлди. Унинг бош вазифаси миллий маданият, ақлзаковат, илм-фан, зиё, маърифатни ривожлантиришдан иборат.

Ўзбекистон ҳукумати маориф, фан, маданият, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. Чунончи, «Таълим ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги бино сифатида кўзга ташланган булса, бу бино мустаҳ-

Иқтисод сабоқлари

НАРХ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Нархларга қайси нуқтаи назардан ёндошишига қараб унинг турлари ўзгариб бораверади. Бозор иқтисодиётида амал қилиш нуқтаи назардан ёндошсак, икки хил нарх мавжуд:

1. Эркин бозор нархлари.
2. Давлат бошқариб турадиган нархлар.

Кўпчилик товарлар учун эркин бозор нархлари ишлатилади. Бу нархнинг шаклланишида юқоридан ҳеч ким аралашмайди. Нархнинг ўзгариши фақат товарларнинг бозорда ўтиши ёки ўтмаслигига қараб, савдолашув асосида вужудга келади.

Баъзи зарур халқ истеъмол товарлари (масалан, нон, дон кабилар)нинг нархлари давлат томонидан бошқариб турилади. Бундан асосий мақсад монополияга йўл қўймаслик, аҳолининг кам даромадли қисмини ижтимоий ҳимоялаш, ишлаб чиқаришни, фан-техника ютуқларини ҳаётга тадбиқ этишни рағбатлантириш ва бошқалардир.

Давлат томонидан бошқариладиган нархлар ҳам ўз навбатида иккига бўлинади:

а) Давлат белгилаган қатъий нархлар.

б) Лимит нархлари, яъни давлат юқори чегарасини белгилаган ва ундан ошиб кетмайдиган нархлар.

Нархлардан олинадиган фойда миқдорига таъсир этиш (яъни фойдани кўпайтириш ёки камайтириш) йўли орқали давлат бозор иқтисодиётини тартибга солади.

Товарларнинг сотилиш усули нуқтаи назаридан **улгуржи, харид ва чакана нархлар** мавжуд.

Маҳсулотларнинг кўтарасига, яъни катта миқдорда сотилиш баҳоларини — улгуржи нархлар дейилади. Корхоналар, фирмалар, бирлашма ёки чакана савдо товарлар етказиб берувчи турли ташкилотлар улгуржи нархларни қўллайдилар. Улгуржи баҳолар ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига, фан ва техника тараққиётининг жадаллашишида, хўжалик ҳисобининг мустаҳкамланишига имконият яратади. Корхона ва тармоқ улгуржи баҳолари ҳам мавжуд. Бир турдаги маҳсулотга мамлакат бўйича бир хил улгуржи баҳо қўйилади. Аммо баъзи товарларга минтақа бўйича баҳолар белгиланиши мумкин.

Корхона (фирма)ларнинг муайян маҳсулотни ишлаб-чиқариш маркетинга сарфланган ҳаражатига қутилаётган даромад миқдорини қўшгандан сўнг ҳосил бўлган баҳо ишлаб чиқариш баҳоси дейилади. Бу баҳо чакана баҳонинг 40—60 фоизини ташкил этади. Ишлаб чиқариш баҳосига улгуржи савдо билан шуғулланувчи ташкилотнинг (ёки юридик шахснинг) маркетинг харажатлари ва даромадини қўшганда маҳсулотнинг улгуржи нархи келиб чиқади. Одатда улгуржи нарх чакана нархнинг 60—70 фоизини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўтара сотиб олиш бўйича давлат томонидан тайинланган баҳолар харид баҳолар дейилади. Бу баҳолар маҳсулот ишлаб чиқаришга иқтисодий асосланган харажатларни қоплаш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун зарурий жамғаришни таъминлаш учун, (қишлоқ хўжалик ходимларини моддий рағбатлантириш заруратларини ҳисобга олган ҳолда) табиий-иқтисодий минтақалар бўйича белгиланади. Бу нархларнинг алоҳида хусусияти шундаки, ноқулай табиий шароитда хўжалик юритиш ва маҳсулот сифати билан боғлиқ ҳолларда харид баҳоларига устамалар кўзда тутилади.

Товарнинг доналаб ёки кичик партиялар билан харидорга сотилаётгандаги баҳо чакана нарх дейилади. Бу баҳолар халқ истеъмол моллларининг барча турлари ёки аҳолига кўрсатиладиган хизмат тарифларида намоён бўлади. Савдо ташкилотларининг турли дўконларида деҳқон бозори, истеъмол бозори ёки бошқа турдаги бозорларда ҳар куни биз чакана нархларни кўрамиз. Чакана нарх улгуржи нархга савдо фирмаларининг (дўконларининг) барча бошқарув, маркетинг ва ишлаб чиқариш ҳаражатларини ҳамда даромадини қўшиш орқали аниқланади.

Юқорида санаб ўтилган нархлар турли меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топади. Улгуржи ва чакана нархлар прейскурантлари, нарх каталоглари, смета нормалари (юк ташиш нормалари), нарх китоблари (ценниклар) каби ҳужжатлар шулар жумласидандир. Аҳолига ҳужжатлар ёки биржа эълонлари орқали маълум қилинадиган баҳолар — номинал нархлар деб номланади. Бундай ҳужжатлар нархлар ҳақида ахборот банкини тузиб, нарх сиёсатини юритишда замонавий ЭҲМлардан фойдаланишга имконият беради.

Баҳоларга асос бўлиш нуқтаи назаридан таннарх ва базиз нархлар мавжуд.

Корхона (фирма)нинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг пулда ифодаланишини таннарх дейилади. Маҳсулотни вужудга келтиришда сарфланган ишлаб чиқариш воситаларининг қиймати, тўланган иш ҳақи, бошқарувга, транспортга ва бошқа зарур бўлган харажатлардан таннарх ташкил топади. Демак, нарх асосида ишлаб чиқариш харажатлари ётади ва у маҳсулотнинг улгуржи баҳо таркибига киради. Таннарх ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигининг муҳим кўрсаткичидир.

Товар нави ёки сифатини аниқлаш учун қўлланиладиган баҳо базиз нарх дейилади. У маҳсулотнинг намунавий нархи сифатида сотувчи ва олувчи ўзаро келишиши натижасида белгиланади. Агар товарнинг сифати келишилгандан фарқ қилса базиз нарх бошланғич нарх бўлиб хизмат қилади. Халқаро савдода муайян товарлар гуруҳини импорт қилишда (четга чиқаришда) уларнинг нархини халқаро савдо миқёсида индексациялашда ҳам базиз нархлар ишлатилади.

Ҳужжат орқали расмийлаштириш нуқтаи назаридан келишилган ва шартномавий (контракт) нархлари ҳам бор. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи (ёки хизмат кўрсатувчи) корхоналар билан савдо ташкилотлари ўртасида олдиндан келишиб олиб белгиланган баҳо келишилган нарх дейилади. Бу нархлар давлат белгиланган қатъий нархдан ҳам, эркин бозор нархларидан ҳам фарқ қилиши мумкин, аммо фақат келишилган муддат давомида амал қилиш билан бошқа нархлардан ажралиб туради. Бундай нархларни қўллашда тегишли назорат жорий этилиши керак. Чунки монополия ёки товарлар тақчиллигидан фойдаланиб келишилган ҳолда нархни сунъий ошириб, халқ ҳисобидан фойда кўриш ёки чайқовчилик воситасига айланиши мумкин.

Товарларни ишлаб чиқарувчи (сотувчи) билан уни истеъмол этувчи (харидор) ўртасидаги битимга биноан ҳар иккала томоннинг розилигига қараб белгиланган баҳолар шартнома нархлари дейилади. Бундай нархлар ҳам сотувчи, ҳар харидор наф кўришини ҳисобга олиб белгиланади.

Ички ва ташқи (халқаро) шартнома нархлари ҳам мавжуд. Ички бозорда амал қилувчи турли корхона, фирма, ташкилотларнинг битимларига кўра белгиланган баҳолар ички шартнома нархлари деб аталади. Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома нархлари рақобат воситасига айланиб, антимонопол характерга эга бўлади. Уни белгилаш бозордаги талаб ва таклифга боғлиқ бўлганлиги туфайли нархларнинг тўхтовсиз ошиб боришига йўл қўймайди. Чунки харидорнинг сотиб олиш (харид) қобилияти чегараланганлигини ҳисобга олмасликнинг иложи йўқ.

Ташқи савдо тизимида давлатлар (халқаро) шартномаларда томонларнинг савдолашиб, ҳар томон учун маъқул бўлган нархи битимда кўрсатилишига ташқи шартнома нархлари деб аталади. Ташқи шартнома нархлари **контракт нархлар** деб ҳам юритилади. Улар жаҳон бозори коньюктурасига қараб вақти-вақти билан ўзгариб туради. Контракт нархларнинг уч тури бор:

— қатъий белгиланган, қайд этилган нархлар; — кейинчалик контракт тузувчилар келишилган вақтда қайд этилган нархлар;

— ўзгарувчан, яъни конракт тузувчилар розилиги билан келишилган муддатда ўзгарувчан нархлар.

Ташқи савдо конракт баҳолари одатда халқаро пул бўлган валютада, масалан, халқаро долларда белгиланади. Агар халқаро баҳолар ўзгариб кетса, ташқи савдо конракт баҳолари ҳам қайта кўрилади.

Жаҳон бозорига чиққан товарлар байналмилал қийматининг пул шаклидаги ифодасини халқаро нархлар деб аталади. Товарлар байналмилал қиймати, уларни ишлаб чиқарувчи мамлакатлар харажатлари, товарнинг халқаро қийматидан ташқари бозордаги талаб ва таклиф нисбатига, қайси валюта билан ҳисоб-китоб, қилинишига савдо битими шартига, нархдаги имтиёзларга ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Шу сабабли сотилиш шароитига қараб айни бир товарнинг нархи ҳар хил бўлади. Масалан, агар товар эркин конвертирланган валютага сотилса, арзон юради. Конвертирланмаган валютага сотилса, қиммат юради.

Жаҳон нархларининг асосида интернационал қиймат ётади. Муайян товарларни ишлаб чиқариш учун кетган жаҳон миқёсида тан олинган ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари интернационал қийматни ташкил этади. Интернационал қиймат шаклланишида халқаро бозорга товарларнинг асосий қисмини етказиб берувчи мамлакатларнинг миллий қиймати асос бўлади. Масалан, пахтани жаҳон бозорига етказиб берувчи мамлакатлар Хитой, Ўзбекистон Республикаси, АҚШ, Мисрдаги сарф-харажатлар пахтанинг интернационал қийматини белгилайди. Қайси мамлакатда пахтанинг миллий қиймати интернационал қийматидан паст бўлса, халқаро савдода катта ютуққа эга бўлади, миллий қиймати юқори бўлган мамлакатлар эса ютқазади.

Барча шартнома (контракт) нархлари шу ҳужжатга амал қилган даврдагина қўлланилади. Шартнома муддати тугагач, унда кўрсатилган нархлар ўз кучини йўқотади.

Товарни харидорга етказиб бериш нуқтаи назаридан олди-сотти фактура нархлари ҳам мавжуд. Етказиб бериш шартномаларига кўра фактура нархига «СИФ», «ФОБ», «Фор» ва «ФРАККО» деган инглизча сўз-белгилар қўшиб қўйилади. Бу белгилар қуйидагиларни англатади:

— **«СИФ»** (Ҳақ, суғурта қилиш, фрахтлаш) сотувчининг кема харажатларини тўлаб қўйиши шартлигини, товарнинг то кема бортидан ичкарига юкланишига ўтказгунга қадар бузилиши, синиши, айниши ва хавфли жавобгарлигини ўз бўйнига олишини билдиради. Юк кема ичкарисига киргач, бу хавф жавобгарлигини харидор ўз бўйнига олади;

— **«ФОБ»** (бортда эркин) сотувчининг товар кема бортидан ичкарига ўтгунга қадар бўлган барча транспорт, суғурта ва бож харажатларини тўлашни, харидор эса кемани фрахтлаш, юкни суғурта қилиш ва унинг бузилиб, синиб ёки нобуд бўлиши жавобгарлигини ўз бўйнига олишини билдиради.

— **«ФОР»** (рельсда эркин) «Франке-вагон» англатган мазмунни беради, яъни сотувчи ўз ҳисобига юкни темир йўл станциясигача ташиб беради ва вагонга юклайди. Қолган барча ҳаражатларни харидор тўлайди.

— **«ФРАККО»** — сотиш шарти. Бу шартга кўра сотувчи товарини ўз ҳисобига белгиланган жойгача етказиб беришини зиммасига олади. Бунда барча тоифадаги транспорт, суғурта ва бож харажатлари товар баҳосига киритилади. Нарх турларини бозордаги субъектлар нуқтаи назаридан таснифлаганда сотувчи ва харидор нархларига ажратиш мумкин. Сотувчининг ўз товарига қўйган баҳоси — сотувчи нархи дейилади. Бу нарх асосан бозордаги талаб ва таклифга нисбатан устун келган шароитда амал қилади. Аммо, савдолашув натижасида товар сотувчи нархидан паст харидор нархи билан сотилиши мумкин. Бунда сотувчининг даромади ўзи эълон қилган нархга нисбатан бир оз камаяди. Бозорда товарга харидор таклиф этган баҳо харидор нархи дейилади. Бу нарх одатда сотувчи нархидан паст бўлади. Агар товар шу нархда сотилса, харидор нархига амал қилинган бўлади. Бозорда таклифга нисбатан талаб кам бўлганда харидор нархи кучга киради.

Бозор қонунияти шундаки, товарни сотувчи иложи борича юқори нархда сотишга, харидор эса мумкин қадар паст нархда сотиб олишга интилади. Бу жараёнда уларнинг манфаатлари тўқнашади ва савдолашув натижасида товарлар сотувчи нархи билан харидор нархининг оралиғидаги нарх билан сотилади.

Бозорда товарни олди-сотти натижасида ҳосил бўлган баҳо — бозор нархи деб аталади.

Монополиялар томонидан маҳсулотнинг ишлаб чиқариш баҳосидан баланд ёки паст қилиб белгиланган нарх — монополия нархи деб аталади. Одатда монополиялар сотадиган товарларнинг нархини юқори, бошқа фирмалардан оладиган маҳсулотлар нархини паст қилиб белгилашади.

Вақт нуқтаи назаридан қараганда вақтнинг ўтишига қараб, шарт-шароитлардан келиб чиқиб ўзгарадиган баҳо — ўзгарувчан нарх дейилади.

Янги маҳсулотларни ўзлаштириш ва янгиликларни рағбатлантириш нуқтаи назаридан лимит нархлари ҳам қўлланилади. **Максимал ва минимал чегаралари белгиланган баҳолар лимит нархлари деб аталади.** Бу нархлардан янги товарни бозорда қайси нархда ўтишини синаб кўриш учун фойдаланилади.

Табиий бойликлар нуқтаи назаридан ҳам турли нархлар мавжуд. Ернинг, сувнинг, хар хил ер ости қазилмаларидан олинадиган хом ашёларнинг, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг ўз нархлари бор.

Умуман, иқтисодий билимлар тизимида шахслар ўзига хос бир мустақил йўналишни ташкил этади. Нархлар оламини яхши билган, тушунган шахс бозор иқтисодиёти шароитида камолотга эришишларини ҳаётмиздаги далиллар тасдиқлаб турибди.

Ёрқин МУҲИБОВ,
иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Амалий машғулотлар

АЖДОДЛАР МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИБ

Аждодларимизнинг ҳаётини ўзлаштиришимиз билимимизнигина кенгайтириб қолмасдан, балки бизни қандай яшаш ва меҳнат қилишга ҳам ўргатади. Шу боис машғулотларда белгиланган мавзунинг таъсирчанлигини ошириш, ўқувчилар эсида қолишига эришиш учун қўргазмали далил-ашёлар қатори буюк алломалар ҳаётига, улар қолдирган бой меросга мурожаат қилиш, асарларидан айрим парчаларни келтириш мақсадга мувофиқдир. Масалан, буюк бобомиз Беруний геометриянинг ривожи ва такомилланиш соҳасида ҳам қимматли асарлар яратган.

«Доирага ички чизилган синиқ чизиқнинг хоссалари ёрдамида ундаги ватарларни аниқлаш ҳақида рисола» номли асари ўзининг сермазмун ва қизиқарли бўлиши билан диққатга сазовордир. Ундаги теоремалар бир неча усуллар билан ишланган:

ТЕОРЕМА. Агар айлана (доира) ёйига ички чизилган ва тенг бўлмаган икки қисмдан иборат синиқ чизиқнинг катта қисмига шу ёйнинг ўртасидан перпендикуляр туширилса, у ҳолда бу перпендикулярнинг асоси берилган синиқ чизиқни тенг икки қисмга бўлади. Бу теорема жуда кўп геометрик масалаларни ечишда ишлатиладиган теоремалардан бўлгани учун унинг турли усуллар (Беруний саккиз усул билан исботлаган) билан исботланишига ўтмишдаги кўп олимлар аҳамият берганлар ва улардан қўплари бир нечтадан исботлаш усулларини кўрсатганлар. Шу билан бирга мен ўқувчиларимга Берунийнинг физика соҳасидаги ишларидан ҳам хабардор этаман. Қайси қўлёзмаларида физика, математика ва астрономияга доир ишлари борлиги, улар қаерда сақланаётгани ҳақида гапираман.

Аждодларимиздан — ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Форобий, ар-Розий, Ибн Сино, Абдурахмон Хозин, Хўжандий, Умар Хайём, Умар Чағминий, Жалолиддин Румий, Мирзо Улуғбек, Насриддин Кошиий, Али Қушчи каби кўплаб алломаларимиздан қолган илмий ва маданий ёдгорликлардан ҳам машғулотларда фойдаланишга ҳаракат қиламан.

Хоразмлик математик, астроном, табиб Ҳожи халифанинг «Китоб кашф уз-зунун» («Гумонларни ечиш» асарида Маҳмуд ал-Чағминий (XI-XII асрлар)нинг Хоразмда туғилиб яшаганлиги ва ижоди ҳақида маълумотлар бор. Маҳмуд ал-Чағминийнинг «Мулаххас фил-ҳайъат ал-басита», сферик тригонометрияга оид «Ал-Мулаххас» ва тиббиётга оид «Қонунга» номли асарлари бизгача етиб келган, холос. «Қонунча» асари ўша даврда диагностика, терапия, фармакологияни ўрганиш бўйича асосий қўлланмалардан бири бўлган. Унда даволашни яхши йўлга қўйиш учун инсон организмининг тузилишини билиш зарурлиги қайд қилинган. Маҳмуд ал-Чағминийнинг асарларига 1410 йилда Камолиддин Туркманий, 1412 йилда Қозизода Румий, Саид Шариф, Шариф Журжоний, 1500 йилда Фасиҳуддин Низомий ва бошқалар шарҳ ёзганлар...

Биз бошланғич синфдан бошлаб математик символлар ва белгилар (<; >; =;) ни ўрганамиз. Аммо булар қачон, кимлар томонидан кашф этилгани ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмизми? Йўқ. Аслида XV асрда яшаб ижод этган Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Қаласадий ўрта аср математиклари ичида фақат муфассал символикани ишлатган. У ўзининг «Кашф ал-маҳжуб мин илм ал-ғубор» номли асарида шу усул билан ёзди. Демак, ҳозирги кунда кенг тарқалган алгебрик символлар XIV-XVII асрларда шаклланган экан.

Дарс давомида Шарқ олимлари ҳаёти ва ижодидан дастур материаллари билан узвий боғланган тарихий маълумотлардан фойдаланиш ҳам ижобий натижаларга олиб келади. Шуларни назарда тутиб, Шарқ олимларининг илмий асарларидаги ясаш, исботлаш ва ҳисоблашга доир қизиқарли ва амалий аҳамиятга эга бўлганларини танлаб олиб, маълум тизимда баён этилса ёхуд китобча ҳолида чоп этилса, нур устига нур бўлур эди.

Китобчада алломаларимиз теоремаларни ишлаш усули ва айни кунда қўлланилаётган усулларни таққослаб, уларни ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан таҳлил қилишга, қадимда самарали ижод этган олимларимиз ҳаёти ва ижоди билан кенг таништиришга алоҳида эътибор қаратилса, тамомила мақсадга эришилади.

Умуман олганда, бу каби тадбирларнинг ҳаммаси ёш авлодни камол топтиришда, тарбиялашда, мактаб математика дастурининг ўқувчилар томонидан зўр қизиқиш асосида ўзлаштиришларга катта ёрдам беради, уларнинг билим доираларини кенгайтиради.

Ёқутхон РАҲМОНОВА,
Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 41-мактабнинг олий тоифали математика фани ўқитувчиси.

Ҳамкасбларимиз ҳақида ҳикоялар

УМР МАЗМУНИ

Узоқ манзилга отланган йўловчининг суқмоқли йўлларини ортда қолдириб эркин нафас олиши табиий. Бунинг боиси унинг машаққатга, йўл синовларига бардошлигидир.

Таржимаи ҳоли кўпчиликникига ўхшаш бўлган Ёқубжон Азимов ҳам ана шундай ҳаёт суқмоқларидан муваффақият билан довон ошиб келаётган серқирра ижодкор. Кечагидай эсимда. У ўқишни эндигина тугатиб «Тошкент ҳақиқати» газетасида қисқа муддатли синовдан ўтгач, «Ўқитувчилар газетаси»га адабий ходим бўлиб ишга олинганди.

— Ёқубжон, ўғлим, — дея охиста гап бошлади бўлим мудири Жаъфар ака Маърупов, — бўлимимиз мактаблар бўлими. Дастлаб Сиз газетамиз билан яхшилаб танишиб чиқинг. Мана бу хатларга алоҳида эътибор беринг, хабарбопларини ишланг.

У Жаъфар акадан олган бир даста хатни бирма-бир кўздан кечириб чиқди. Хатлар ранг-баранг. Республикамизнинг турли вилоятларидан келган мактублар орасидаги хабарбопларини таҳрирдан чиқариб бўлим мудирининг қўлига берди.

— Таҳрирингиз чакки эмас. Бироқ, қўлингиздаги айрим мактубларга ажабланманг. Уларни бизнинг тилимизда «Дарс таҳлили» дейилади. Унга кейинроқ ўтасиз, у анча мураккаб. Негаки унда ўқитувчининг бир соатлик дарс ўтиш жараёни ҳикоя қилинади, яхшиларини «андоза» сифатида чоп этиб газетхонларимизга етказамиз. Уни пухта ўрганишга ҳаракат қилинг, — деди Жаъфар ака.

— Газетанинг, тўртинчи саҳифаси чинакам дам олиш саҳифаси бўлибди, — деди «летучка»мизда газета номерини таҳлил қилаётган бўлим мудири, марҳум Саидакбар Саидов. — Саҳифадан фан-техника, санъатга оид янгиликлар, шеър, ҳикоя, фельетон ва бошқотирмалар урин олган. Умуман Ёқубжон саҳифа бичимини, мақетни чиройли тузган...

Ҳа, оддий адабий ходимликдан, бўлим мудири, бош муҳаррир ўринбосари лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтган Ёқубжон Азимовнинг газетадаги иш фаолиятларидан бир шингили холос. Ёқубжон Азимов ўз касбига муҳаббати, тиришқоқ ва ишбилармонлиги билан муҳарририят ходимлари эътиборини қозонди. У журналистиканинг барча жанрларида қалам тебратиш билан бир қаторда ўз устозларидан таржимонлик сирларини ҳам пухта ўрганиб борди.

Дастлабки меҳнат фаолиятини Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида токарликдан бошлаган Ёқубжон учун бу дарғоҳ катта синов мактаби вазифасини утади. У бу ердан кишилар меҳнатини қадрлаш, эъзозлаш каби фазилатларни ўрганди.

Бугун узининг ярим асрлик тавваллудини қаршилаётган Ёқубжон Азимов салкам ўн тўққиз йил «Ўқитувчилар газетаси», «Учитель Узбекистана» (ҳозирги «Маърифат») газетасида журналистиканинг барча жанрларида қалам тебратди. У 1988 йилдан 1991 йилгача Узбекистон Миллий ахборот Маҳкамасида таржимон, 1991 йилдан 1995 йилгача «Узбекистон автомобилчиси», «Автомобилист Узбекистана» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари ва айни кунда мазкур газсталарнинг бош муҳаррири лавозимида ишлаб келмоқда.

— Журналист халқи ҳар бир соҳани мукаммал билиши, шифокор билан шифокорчасига, қурувчи билан қурувчи тилида, олим билан олимчасига гаплашиш керак, — деган эди Ёқубжоннинг устози Жаъфар ака, устозига содиқ қолган шогирд бугунги кунда ўз касб сирларини ёшлар билан баҳам кўрмоқда.

Изланувчан ижодкорнинг келгуси ишларига янгидан янги парвозлар, оилавий бахт, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

Шавкат ҲАМИДОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси мукофотининг лауреати.



«Назария қуруқдир дўстим, аммо яшнар ҳаёт дарахти» деб ёзган эди буюк бир шоир. Бу ҳикматли сатрларни Тошкент шаҳридаги 6-ҳунар-техника билим юрти талабалари ҳам жуда яхши билишади. Шунинг учун ҳам улар назарий ўқиш даврида дурадгорлик, қурувчилик, сувоқчи-бўёқчилик, ошпаз-қандолатчилик каби касблар бўйича ўзлаштирган билимларини амалиётда ҳам мустаҳкамлашга катта эътибор берадилар.

СУРАТДА: 6-ҳунар-техника билим юрти талабалари амалий машғулотлари пайтида.

Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

Янги нашрлар

ЙЎЛИНГИЗ ЁРУҒ БЎЛСИН

Бухоролик муаллим ва тарбиячилар ўз газеталарига эга бўлишди. «Бухоро муаллими» деб аталувчи ушбу газетага вилоят халқ таълими бошқармаси, тармоқ касаба уюшмаси ҳамда «Таълим» жамғармаси муассислик қилмоқда.

Ун минг нусхада чоп этилган газетанинг биринчи сони жуда қизиқарли, ўқишли чиққан. Муҳаррир Жаҳонгир Исмоиловнинг тажрибасию моҳирлиги кўзга ташланиб турибди.

Газета орқали «Бухоро муаллими» таҳририяти ва муштарийларни Узбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, вилоят ҳокими М. Раҳмонов, «Бухоро ҳақиқати» газетаси таҳририяти, фахрий педагоглар кенгаши раиси А. Музаффаровлар табриклашган. Август кенгашларига мақолалар,газета мухбирининг вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи С. Баҳронова билан қилган суҳбати эълон қилинган.

«Маърифат» газетаси таҳририяти ҳам ўз салафига ижодий парвозлар тилаб қолади. Йўлингиз ёруғ бўлсин, «Бухоро муаллими»!

Мухбиримиз.

Мустақилликнинг 5 йиллигига

ТИЗИМИДА ИСЛОҲОТЛАР

кам конституциявий пойдеворга ҳам эгадир.

Халқ таълимида бир неча йил муқаддам бошланган янгиланиш мустақил республикамизга хос бўлган жараёнлар билан қадам бақадам кетаётганлиги бизни хурсанд қилди. Бу жараёнларнинг таснифи И. А. Каримовнинг «Узбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Узбекистон — келажаги буюк давлат» ва «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» рисолаларида тўла ёритилган.

Халқ дахолари, бизнинг мутафаккирларимиз — Форобий ва Беруний, Юсуф-хос Ҳожиб ва Улуғбек, Навоий ва Бобур, Завқий ва Фурқат, Аваз Ўтар ва Бердақ шахс ҳамда давлат равнақини билим, ақл-идрок, фанда кўришган. Шунинг учун ҳам Конституциямизда давлатнинг жамиятдаги маданий, илмий ва техникавий тараққиёт учун гамхўрлик қилишининг умумий меъёр сифатида қайд этилиши (42-модда) тасодифий ҳол эмас. Конституция ҳам, «Таълим ҳақида»ги Қонун ҳам таълим-тарбияга бўлган муносабатнинг яхшиси томонга қараб узлуксиз ўзгариши учун ҳуқуқий асосларни яратиб беради. Биринчидан, халқ таълими мазмун жиҳатидан бозор иқтисодиёти талаблари тизимидан мустаҳкам жой олиши лозим бўлса; иккинчидан, халқ таълими болалик ва оила, ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялашнинг барқарор механизмларини ихтиро қилиши ва ишга туширишидир.

Буни амалда Президентимиз ва Олий Мажлис томонидан халқ таълими, болалик ва оила, ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича бир қанча фармон ва қонунларнинг чиқарилиши фикримизнинг далилидир. Буларга «Болани оилаларга давлатнинг ижтимоий ёрдамини кучайтириш тўғрисида»ги қонун, «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг ташкил қилиниши, ўқитувчилар, тарбиячилар, ўрта махсус ва олий, ҳунар-техника билим юртлари ходимларининг иш ҳақлари ва талабалар нафақаларининг оширилиши каби фармонлар киради.

Конституцияда мактабнинг давлат назорати остида бўлиши тасодифий тарзда қайд этилган эмас. Оиладан ва мактабгача тарбия муассасаларидан кейин шахснинг, унинг қизиқиш ва қобилиятларининг ривожланишини республика таълим тизимининг энг муҳим бўғини мактаб таъминлайди.

Ҳозир олдимизда таълимнинг бепул ва пуллик шаклларини оқилона тарзда уйғунлаштириш муаммоси турибди. Давлат талаблари миқёсидаги умумий мажбурий таълимнинг бепул бўлиши таъминланмоқда.

Бозордан ташқаридаги сектор сифатида халқ таълимининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши даражаси ортиб боради, уни маблағ билан таъминлаш, нарх-навонинг кўтарилиши ҳисобга олинган ҳолда маблағ ажратилаверилади.

«Таълим ҳақида»ги Қонуннинг ҳаётга жорий этилиши кўп жиҳатдан педагогларга, уларнинг замон талабларига касбий жиҳатдан жавоб беришлари, тайёргарлик даражаларига, шахсий интеллектуал хусусиятларига, ҳаётий тажрибалари, нуқтаи-назарларига боғлиқдир. Буни биз республикадаги олий мактаблар, жумладан педагогика олий ўқув юртларининг янгиланиш жараёнида гувоҳ бўлаётирмиз ва бу жараённинг иштирокчиларимиз. Эндиликда мутлақо янгича ёндашувлар фақат қабул чоғидагина эмас, ўқув тарбия жараёнини ташкил этишда ҳамда ижодий рағбатлантиришда ҳам кўзга ташланади. Президентимизнинг яқиндагина чиқарган «Узбекистон ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги фармони Вазирлар Маҳкамасининг Узбекистон Республикаси олий ўқув юртларига абитуриентларни тест синовлари асосида қабул қилиш ҳақидаги, шунингдек, профессор-ўқитувчилар таркиби билан меҳнат шартномалари тузиш тизимига утилиши каби фармойиш, қарор ва низомларни кўрсатиш мумкин.

Утган йил мобайнида мактабдан ташқари муассасалар ходимларини танлаш, тарбиялаш ҳамда ўқитиш бўйича ҳам кўпгина ишлар қилинди. Натижада бундай ходимларнинг маълумоти ҳам, касб маҳорати ҳам, услубий тайёргарлиги ҳам яхшиланмоқда.

Узбекистон умумтаълим мактабларида барча таълим-тарбия жараёни дарсдан ташқари пайтларда айрим предметлар чуқурлаштириб утиладиган факультатив машғулотлар, алоҳида фан тармоқлари бўйича тўгараклар машғулотларини уюштиришда секция ва турли студиялар ишларини амалга ошириш, бадиий ҳаваскорлик, музейга бориш учун болаларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб дам олиш куни мактаблари ташкил этиш, клуб ишлари ва бошқа шаклдаги тадбирлар амалга оширилмоқда.

Келгусида мактабдан ташқари ишлар маҳаллаларда, жамоат ташкилотлари қошида, йирик завод-фабрикаларда, концернлар, фермер хўжаликлари, кичик ва қўшма корхоналар хузурида ташкил этилса, ота-оналар ва ўқувчи ўсмирлар учун қулайлик яратилади.

Хорижий мамлакат фуқароларидан юқори малакали мутахассислар тайёрлаб бериш соҳасида ҳам бирмунча олга силжишлар юз берди. Республикамиз Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидан келган мингдан ортиқ йигит-қиз таълим оляпти.

Иқтидорли ёшларга қулай шароитлар яратиб бериш учун махсус жамғармалар, махсус стипендиялар ва бошқа имтиёзлар тизими вужудга келтирилмоқда. Олимпиада, курик ва танлов ғолибларини ўқитишга алоҳида эътибор берилаётир.

Шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълимни янги босқичга кўтариш, юқори малакали мутахасис бўлган комил инсонни етиштириш, ўқитувчи-профессорлар меҳнати самарадорлигини ошириш ҳамда иқтидорли талабалар таълимига алоҳида шароитлар яратилмоқда. Республикамиз раҳбарияти ва ҳукуматининг кейинги йиллар давомида чиқарган фармон ва қарорларига асосан вилоятлардаги бир қанча институтларга университет мақоми берилди, вилоят марказларида ва Тошкент шаҳрида янги ўқув юртлари очилмоқда.

Узбекистон мустақиллигини таъминлашнинг буюк миллий тикланиш ғояси ва мақсади — халқларнинг тенг ҳуқуқли уюшмаси асосида турли миллат ва элатларнинг ҳамкор ва ҳамфикр бўлиб ишлашлари, ижтимоий ҳаракатлар ва партияларнинг Республика ҳудудида осойишталик, иқтисодий, маънавий салоҳиятини ҳамда бирдамлик ва аҳиллигини таъминлашдан иборатдир. Бу мақсадларга эришишда асосан бўлажак мутахассислар ўзларининг куч-ғайратларини аямасдан билим олишлари лозим. Демак, мамлакатимиз Мустақиллигини мустаҳкамлаш учун ҳар биримиз ўзимизнинг ўқишимиз, меҳнатимиз ҳамда фаолиятимиз билан ҳисса қўшишимиз керак.

Исломжон ТУРСУНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.
Карим НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

УНУТИЛМАС ЁЗ ГАШТИ

Янгиқўрғондаги энг гўзал, севимли гўшалардан бири Заркент болалар оромгоҳида уч навбатда 854 нафар бола мириқиб дам олишди. Айниқса, кам таъминланган, тарбияси қийин болаларга алоҳида эътибор берилди.

— Оромгоҳимизда болалар учун ҳам, уларнинг ота-оналари учун ҳам шарт-шароитлар муҳайё этилди, — дейди биз билан суҳбатда маскан бошлиги, Узбекистон халқ маорифи аълочиси Бахтиёр Соттиқулов. — Фарзандларини кўришга келган ота-оналар учун «Таъзим» деган чойхона очдик. Чойхона мудири Аюбхон Қирғизов миллий таомлар пишириб, хушбўй чой дамлаб, меҳмонларни кутиб олди. Мавсум давомида оталиқ ташкилотлари ҳам яқиндан ёрдам беришди. Биргина туман кинолаштириш бўлими 30 га яқин фильмларни олиб келиб намойиш этди. Туманнинг донгдор кишилари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, Меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ўтказилди. Кўшни «Оқ олтин», «Шаршара», «Лола» болалар оромгоҳларида дам олаётган қувноқлар билан футбол, волейбол, теннис, шахмат-шашка бўйича мусобақалар ўтказилди.

Оромгоҳдаги таълим-тарбиявий тадбирларни ўтказишда Гулнора Жалолова, Зумрад Тўрабоева, Зайниддин Турғунов каби тарбиячилар, шифокор Сойибжон Мирдадаев, ошпаз Пўлатхон Ўлмасов, музика раҳбари Элмурод Абдурайимовлар чинакам жонкуярликларини кўрсатишди.

— Мавсумда болаларнинг мириқиб дам олишлари, чиниқишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиб бердик, — дейди вилоят савдо ходимлари касаба уюшмаси раиси Шарофат Зокирова. — Энди соғлом ва бақувват болаларимизни билим масканлари кутмоқда.

Э. ҲАМДАМОВ.

Кураш

ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ УЧУН

Андижон шаҳридаги «Халқлар дўстлиги» стадионида миллий кураш бўйича уч кун давомида Заҳириддин Муҳаммад Бобур хотирасига бағишланган халқаро мусобақа ўтказилди. Фарғона қоидасидаги миллий кураш бўйича Узбекистон Президенти Ислом Каримовнинг махсус соврини учун ташкил этилган биринчи халқаро турнирда Жанубий Корея, Тожикистон, Қиргизистон давлатлари, республикамизнинг бир қатор вилоятлари ва Тошкент шаҳри терма жамоалари иштирок этди.

150 дан ортиқ полвонлар дастлаб саралаш мусобақаларида ўзаро куч синашдилар. Иштирокчилар ёшларига қараб уч гуруҳда ғолиблик учун кураш олиб бордилар. 55 килограммгача бўлган вазндаги курашчилар мусобақасида дастлаб андижонлик Дилшод Исмоиловни стадионга тўпланган мухлислар ғалаба билан қутлашди. Андижон терма жамоасининг аъзоси Д. Исмоилов ана шундай йирик халқаро турнирда биринчи бор иштирок этиб, ғолиблик унвонига сазовор бўлди. Шунингдек, уч акаука Равшан, Шуҳрат ва Рустам Исоқовлар, Тиллахўжа Абдуллаев ҳамда Ҳамроқул Каримов ўз вазнларида биринчи ўринни эгаллашди. 90 килограмм оғирликда қатнашган Тошкент вилояти терма жамоасининг аъзоси Олимбек Файзуллаев, энг оғир вазнда эса фарғоналик Аҳмад Турақуловлар барча рақибларини енгиб, халқаро турнир ғолиби бўлишди.

Шундан сўнг 150 дан ортиқ иштирокчининг 27 нафари мутлақ ғолиблик мусобақасида иштирок этиш истагини билдирдилар. Учрашувлар ниҳоятда кескин курашлар остида ўтди. Учинчи ўрин учун бўлган баҳсда Равшан Исоқов наманганлик Бахтиёр Бозоровга қарши гиламга чиқди. Ҳаяжонли ўтган беллашувда Равшан Исоқовнинг қўли баланд келди. Шундан сўнг биринчи ўрин учун Тошкент вилояти вакили Олимбек Файзуллаев ҳамда андижонлик Эгамберди Чанаевлар ўзаро куч синашдилар. Низомга кўра ўн дақиқа давом этган беллашувда баллар бўйича Андижон вилояти Қўрғонтепа туман кураш мактабининг мураббийси Эгамберди Чанаев ғалабага эришди. Унга Узбекистон Республикаси Президентининг совғаси — Асакада ишлаб чиқарилган «Нексия» маркали енгил автомашина топширилди. Шунингдек, барча вазнларда ғалабага эришган курашчиларга ҳам Андижон вилояти ҳокимлиги ва ҳомийлар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо мукофотлар топширилди. Илк бор Заҳириддин Муҳаммад Бобур хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро миллий кураш Марказий Осиёда спортнинг ушбу турини оммалаштиришга катта омил бўлди. Андижон вилояти ҳокимлиги, Узбекистон миллий кураш федерациясининг қарорига биноан навбатдаги иккинчи халқаро турнир 1998 йилда ўтказиладиган бўлди.

Улуғбек АҲРОРОВ.

КЎНГИЛЛАРДА МУЛК БЎЛИБ ҚОЛАДИ

(Боши 1-бетда).

қилиш учун эса республикамизнинг турли бурчакларида яшовчи мухлислар пойтахт томон ошиқишмоқда. Хусусан, 60 нафардан зиёд бухоролик талабаларнинг худди шу мақсадда Тошкентга келганлиги фикримизни исботлайди.

Шундай қилиб, уч кун давомида Узбекистон ва унинг истиқлоли ҳақидаги қўшиқлар ҳакамлар ҳайъати томонидан сўнгги кўрикдан ўтказилади. Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилади. 28 август куни эса ғолиблар ижросида «Халқлар дўстлиги» саройида катта концерт дастури намойиш қилинади.

— Нафақат меҳнаткаш, айни дамда ниҳоятда қўшиқсевар халқимиз бор. Шу боис ҳам «Узбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танлови халқимиз томонидан зўр мамнуният билан кутиб олинди. Мана, 21 августдан буён кўрик-танловнинг вилоятлар бўйича ғолиблари ушбу саройда сўнгги босқичга тайёргарлик кўришяпти. Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги, Олий таълим вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги тизимида ғолиб бўлганлар ҳам якуний босқичда иштирок этадилар. Бу босқичда 65 та қўшиқ ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланади ва Истиқлолнинг энг сара қўшиқлари сифатида халқимизга тақдим этилади. Шундан 38 таси 1991 йилдан, яъни Мустақилликка эришган йилимиздан 1995 йилга қадар яратилган Истиқлол ҳақидаги қўшиқлардан танлаб олинган, қолганлари бу йилги, янги қўшиқлардир. Кўрик-танловда болалару ҳаваскор хонандалардан тортиб, элга таниқли ҳофизларгача иштирок этишади. Мазкур тадбирнинг кўтаринки руҳда ўтиши маълум маънода биз, саҳналаштирувчи гуруҳ аъзоларига ҳам боғлиқ, албатта. Ўйлайманки, мамлакатимиз аҳолисининг диққат марказида турган «Узбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловининг якуний босқичи барча учун ҳаяжонли ва унутилмас тарзда бўлиб ўтади.

И. БЎРИБОЕВ.

ИСТИҚЛОЛНИНГ САРА ҚЎШИҚЛАРИ

Мустақиллигимизнинг беш йиллик тўйига атаб ўтказилаётган «Узбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танлови якунловчи босқичга кирганлигидан, муштарийларимиз бохабар бўлсалар керак, албатта. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, мазкур кўрик-танлов эл орасида катта эътибор қозонди, алалҳусус, унинг натижасини сабрсизлик билан кутмаётган ҳамюртларимиз топилмаса керак. Биз, пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида поёнига етиб қолаёзган қизғин тайёргарликларни кузатар эканмиз, қатнашчилар кайфиятидаги кўтаринки руҳни ҳис қилдик. Бу ҳақда тадбирнинг саҳналаштирувчи режиссёри Марат Азимов бизга қуйидагиларни гапириб берди:

ОМАД СЕНГА, «БОЙЧЕЧАК»!

Бугун — 24 август куни Тошкентдаги «Туркистон» саройида Узбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Узбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловининг якуний босқичи бошланди. Мазкур танловда, аввал хабар қилганимиздек, Узбекистон республикаси халқ таълими вазирлиги тизимида ғолибликни қўлга киритган Республика ўқувчилар саройининг «Бойчечак» болалар хор жамоаси иштирок этмоқда. Мамлакатимизда бу жамоани билмаган, унинг қўшиқларидан баҳра олмаган киши топилмаса керак. Айниқса, болажонлар «Бойчечак»ни жуда севишади. Ҳар хил енгил-елпи қўшиқлар эмас, бильмакс, миллий ва дунёвий мумтоз ашулаларнинг моҳир ижрочилиги билан танилган мазҳур даста мамлакатимиздаги энг яхши хор жамоаларидан бири ҳисобланади. Шоир Пулат Мўмин, бастакорлар Рустам Абдуллаев ва Анор Назаров, таниқли хонанда Муяссархон Раззоқовалар билан бўлаётган ижодий ҳамкорлик даста фаолиятига самарали таъсир кўрсатмоқда. Ўқувчилар саройи қошидаги «Юлдуз» болалар рақс дастаси ҳам «Бойчечак»нинг ҳамкорларидан саналади. Дарвоқе, даста бадиий раҳбари Муяссар Убайдуллаеванинг ўзи ҳам шу дастада камолотга етган, жуда изланувчан инсон.

Хуллас, «Бойчечак» болалар хор жамоасининг эл орасида тингловчилари, мухлислари кўп. Биз уларнинг барчаси номидан севимли дастамизга муваффақият тилаймиз. Омадингни берсин, «Бойчечак»!

Хуллас...

ОТ АЙЛАНИБ ҚОЗИҒИНИ ТОПДИ

Украинанинг Чернигов вилояти қишлоқларидан бирининг аҳли ўз кўзларига ишонмай қолишди. Бундан бир йил аввал жамоа хўжалиги отхонасидан ўғирлаб кетилган от яна қишлоққа қайтиб келган эди. Маълум бўлишича, от ўғрилари уни Россияга сотиб юборишган. Бироқ ўз ватанини соғинган от бир неча шаҳар ва қишлоқларни босиб, чегарадан ўтиб, яна қадрдон емтўрвасига тумшуғини қўйди.

ДОҲИЙГА ЭШ СОТУВЧИ

Қатъиятлилик яхшида. Бир пайтлар собиқ доҳийлардан бири унга бир вагон қанд келтирган ўрис мужикларига шундай деган экан: «Чой учун раҳмат. Лекин қандни болаларга беринглар». Перм вилоятидаги дўконлардан бирининг сотувчиси ҳам ушмундоқ қатъиятлиликдан хўп таълим олган экан (отасига раҳмат!). Таълиминг — ҳаётдаги муаллиминг, деганларидай, шунинг орқасидан у яқинда панд емади. Дўконга кирган жимитдай қизча ўзини вилоят ҳокимининг қизи деб таништирди. Дадасининг туғилган кунига маҳсулотлардан саралаб беришни илтимос қилди. Лекин сотувчи қатъиятли (доҳийнинг таълимини олган ахир!). Ишонқирамади. Дарҳол милицияга сим қоқди. Шубҳа тўғри чиқди. Жимитдай «жиноятчи» ушланди. Қатъиятлилик яхши-да. Баракалла, сотувчи!

ЖЎЖАНИНГ ЮГУРГАНИ

Хўрозлигу хўроз уриштириш Шарқнинг урфи. Ғарбда жўжанинг пилдираб юришига маҳлиё бўлиб ўтиравершади. Шу боисми, Нижний Новгород шаҳрининг Канавино бозорида ўтказилган жўжалар пойгаси оқтану малласоч шаҳарликларнинг ҳайратли нигоҳларини тарақдай нуқтага қадаб қўйди. Пойга энди авжига чиққанда, ишқибозларнинг кўзию оғизлари очилиб турганда, тепадан бир қарға шитоб билан учиб тушдида, биринчида кетаётган жўжани илиб, олди-кетди.

ФУТУРИСТ СИГИР

Бу сигирни футурист (темирпараст) қилган — унинг эгалари. Бўйнию қулоғини темир билан бежаб ташлашган. Ўзи дунёда ҳар қандай «ист»лару «изм»лар ҳалокатга маҳкум. Сигир ҳам шундай тақдирга дучор бўлди. Ўтлоқда ўтлаб юрганида кучли чақмоқ чақиб, сигирни темири билан бирга уриб кетди.

ана шунақа гаплар.

ПОЕЗДДА САЁҲАТ

Шаҳрихондаги «Бешариқ» оромгоҳи бошлиги К. Сирожиддиновнинг саъй-ҳаракати туфайли яқинда оромгоҳ ходимлари, ҳамда дам олувчи ўқувчилар Андижоннинг сўлим ва хушманзара маскани Хонобод шаҳрида икки кунлик саёҳатда бўлишди. Шаҳрихон тумани ҳокимлиги эса «Шаҳрихон — Хонобод» поезди учун чипталарни саёҳатчиларга бепул қилиб берди.

Саёҳат-ку, ўз йўлига! Лекин болажонлар, айниқса, поезддаги бундай қизиқарли сафарни бир умр эслаб юрадиган бўлишди.

Ҳасанбой РУСТАМОВ.

ХАНДАЛАР

Кечқурун эри ишдан келгач, хотини қуйиниб деди:

— Болаларнинг дастидан улар бўлсам, улиб бўлдим!

— Нега энди? — ҳайрон бўлиб суради эри.

— Гапга ҳечам қулоқ солишмайди. Билмадим, нимагадир ҳайвонсифат бўлиб усишаяпти, — йиғламсиради хотини.

— Ҳм-мм, ҳайвонсифат бўлиб усишаяпти дегин-а! Ундай бўлса, сен бундан буён болаларнинг тарбияси билан шуғулланмай қўя қол, — деди эри хўмрайиб.

* * *

Китоб дўконида харидор сотувчидан норози бўлиб тўнғиллади:

— Опажон, сизда диёнат борми, ўзи?

— Ҳозирча бизда «Диёнат» йўқ. Агар келиб қолса, сиз учун албатта битта олиб қўяман, укажон! — деди сотувчи.

* * *

Қиз йигитга деди:

— Бўлажак қайлиғим ҳар томонлама менга муносиб бўлиши керак! Сиз ўзи умрингиз бино бўлиб ҳаётнинг аччиқ-чучугини ҳеч татиб кўрганмисиз?

— Бўлмасам-чи, — деди йигит ҳийла жонланиб, — ахир бундан аввал ҳам бир бора уйланиб-ажралишганман!..

Абдуқаюм БЕККАМОВ.
Деҳқонобод тумани.

ҲАЙРАТ ЎЛКАСИНИНГ ҚИЗИ

Донолар нақл қилишларича, Оллоҳ инсонни лойдан ясаб, нурга «кир» деб амр қилибди. Нур: «ахир мен нур бўлсаму оддийгина лойдан ясалган «идишга» қандай кирайин» деб ўжарлик қилибди. Шунда Оллоҳнинг иродаси билан шундай бир наво янграбдики, қуй сеҳридан нур эриб инсон вужудига кириб қолганини сезмай қолган экан.

Дарҳақиқат, инсон гўзал куй, дилрабо қўшиқ тинглаганда, бир зумгина ғаму ғуссаларини, фурқату фироқларини унутиб қўйиши, эҳтимол одамзот ибтидосидан меросдир. Аслида инсонни эртанги кунга рағбатлантирувчи маъво ҳам яна ўша дилбар куй, дилрабо қўшиқ эмасми?

Во ажаб... Ана қўшиқ янграяпти. Бу овоз соҳиби ким бўлди экан? Бу қайси бахтли инсонки, унинг овози баҳор нафосатларидан муждалар келтираяпти. Ҳа, дарвоқе бу овоз соҳибаси Муяссар Раззоқова.

Ҳа, майин-майин эсган саболаридан узоқ-узоқ ўтмишнинг муаттар бўйлари анқиб турган Қорақалпоғистон диёрида кўз очган бу чашма бугун ўзбек опера санъатининг кўз илғамас қирраларини кашф этаяпти. Тўғри, Муяссарнинг санъати ҳақида кўп гапирилган, ёзилган. Лекин биз яқинда ушбу санъаткор билан суҳбатлашганимизда унинг ростдан ҳам бетакрор жуда-жуда ноёб бахт соҳиби эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

Тўғриси, Муяссархон билан суҳбатлашмоқчи бўлиб юрган кунларим турли андишалар қуршовида юрдим. Эл оғзига тушган санъаткорнинг ҳашаматли уйлари, машиналари кўз олдимга келаверди. «Манзил»га етганимда эса ҳайрон бўлиб қолдим. Муяссар ҳам оддийгина, мени уйлантираётган, салобати босаётган барча кибру ҳаволардан холи яшар экан. Одатда халқимизда қизиқ бир одат бор. Озгина чегарадан чиқиб кетсангиз, «отанг, онанг қилмаган ишга қўл уриб...» деб танбеҳ беришади. Муяссар эса ота-онаси «қўл урмаган» ишнинг билармони. Жуда қизиқ, шунақаси ҳам бўлар экан. Бундан чиқди, инсон бисотидаги имкониятларни баъзан эски ақидалар ҳам муайян мезонга солиб турар экан-да. Бизнинг ҳикоямиз қаҳрамони эса мана шу хилдаги тўсиқларни йўлидан супуриб ташлай олган «голиб аскар» десам, хато бўлмас. Аслида киши руҳиятидаги нимагадир ташналик ҳисси, ўша нафас олаётган муҳитнинг таъсирига билвосита боғлиқ. Муяссархон туғилган юрт-ҳайратлар ўлкаси. Агар у бунчалик таърифу тавсифга нолойиқ бўлса, шунчалик ҳайратли овоз соҳибасини туғиб берармиди.

Муяссархоннинг айтишига қараганда, санъатга бўлган иштиёқи болалик чоғлариданоқ пайдо бўлган экан. Ўша иштиёқ кўкка бўй чўзиб ва улғайиб ўзи яшаётган юракни бутунлай забт этиб, соҳибасини Тошкент давлат консерваториясига етаклаб келган. Уни муваффақиятли тугатгач, Муяссар кундан-кун бугунги етиб келган чўққиси томон шошила бошлади. У йўл-йўлакай чор атрофни дилбар қушиқлар билан тўлдириб ташлади. Бир неча маротаба жаҳон опера ижрочиларининг халқаро кўрик-танловида иштирок этиб, муваффақият қозонди. Бу билан бугунги мустақил ўзбек аёли имкониятининг чексизлигини намоён қилди.

Муяссархон билан суҳбатлаша туриб, унинг келажакдаги ижодий ишлари, орзулари ҳақида тўлиб-тошиб айтганларини тинглар эканман, бугунги ўзбек операсини жаҳонга олиб чиқаётган санъаткорлардан бири бўлган бу қушиқчининг ҳали кўп нарсага қодирлигини дилдан ҳис этдим.

Улуғбек ЖУМАЕВ.

Хотира

ОРИФ ИНСОН ҲАҚИДА СЎЗ

Устоз Орифжон Икромовни ҳар гал эслаганимда бир ҳақиқатга тўла амин буламан, мард, валламат инсонлар ҳар кун туғилавермас, танти одамлар ҳадеб учрайвермас экан. Баъзилар майдалашиб, худбинлашиб кетаётган худди шу кеча-кундузда устоз Орифжон Икромов кўпчиликнинг бўйи етмайдиган улуғворлик саҳнида сарбаланд гавдаланаяпти. Айрим одимлар, шоирлар, арбоблар оғизга тушиб, номлари чиқади. Лекин кўпчилик давр синовларига, вақт деган аёвсиз, одил ҳакамга бардош беролмай, борган сайин эсдан чиқаверадилар. Вақт ўтиши билан домланинг қадр-қиммати ошаяпти. Унинг номи ҳануз орифона суҳбатлар қўрида, давранинг тўрида, илмий-ижодий машваратларнинг гули бўлиб қолганлиги рост. Орифжон домла шошиб, шиддат ва шитоб билан, югуриб-елиб, куйиб-ёниб, самарали яшаб ўтди. Бу зот 44 йиллик чақмоқ умрида минглаб одамнинг, юзлаб олимнинг, ўнлаб раҳбарнинг улушини уддалади, ажойиб устоз, меҳрибон ота, содиқ дўст, фидойи инсоннинг бурчини, вазифасини ҳалол адо этди.

Устоз Орифжон Икромов интеллектуал билимли олим сифатида катта илмий мерос қолдирди. Ўзи табиатан шоир бўлиш билан бирга, назокатли адабиётшунос олим ва танқидчи эканлигини кўрсатди: шеърият оламини ғоввос мисол тадқиқ этди, наср ва драматургия жанрларига хос хусусият ва белгиларини чуқур, теран таҳлил қилди.

Орифжон Икромов адабиётимиз тарихи, адабий танқидчилик, минглаб мухлислар ва адабиёт ўқитувчилари учун Зулфияни, Амин Умарийни, Парда Турсунни кашф этди, уларнинг ижодини илмий таомилга олиб кирди. Унинг «Ёшлик ва Ватан куйчиси», «Амин Умарий тўғрисида», «Парда Турсун», «Замонамизнинг таланти шоираси» деб аталган рисолалари, «Узбек романида ижобий қаҳрамон» номли монографияси, шунингдек, бадиий сўзнинг долзарб муаммоларига оид ўнлаб илмий-муаммоли мақолалари адабиётшунослик фанига сезиларли ҳисса бўлиб қўшилди.

Устоз тадқиқотларининг энг қимматли томони ўша, 60-йилларда, кўпчилик олимлар «партиявий адабиёт», «социалистик реализм методи — совет адабиёти ва адабий танқидчиликнинг асосий ижодий методи» деб бонг ураётган бир пайтда Орифжон Икромов «совет характери, коммунистлар образи» ҳақида эмас, Парда Турсуннинг «Ўқитувчи» романидаги зиёли Элмурод характерини холис баҳолади, ижодкор сўз сеҳрининг сирсиноатларига, адибнинг тасвирий-услубий, бадиий-ифодавий маҳоратига жиддий эътиборни қаратди. У насрнинг назокатини, поэтикасини олдинги ўринларга чиқариб, ғоявий-долзарбликни ҳам назардан қочирмай романларни, ўзбек адабиётшунослигида ижобий қаҳрамон муаммосини файласуф, руҳшунос олимлар қарашларига омухта қилиб тадқиқ этди.

Орифжон Икромов ҳақида сўз кетганда, унинг ёркин хислати — жўшқин ва эҳтиросли шоирлиги кўз ўнгимиздан ўтади. Ул табаррук инсондан «Гул фасли», «Юрак тўлқинлари», «Танланган асарлар»идек назмий мажмуалар ёдгор бўлиб, шеърсевар кўнгилларга юпанч, таскин бериб-гина қолмай, шуурларга нур, ёруғлик олиб кираяпти.

Фоний дунёдан кўз юмганига 25 йил ўтган бўлсада, устознинг номи, қадр-қиммати, қолдирган илмий-бадиий меросининг қадри тобора ошмоқда, саховатли, иссиқ нафаси яхшилар кўнглига яқин, жўровоз бўлмоқда.

Исроил МИРЗО,
профессор.

И. Л. МИХОЛЬСКИЙ

Маориф ишининг моҳир ташкилотчиларидан бири, таниқли педагог, Узбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, фахрий нафақахўр Иван Леонтьевич Михольский шу йил 14 августда 79 ёшида вафот этди.

И. Л. Михольский 1917 йил сентябрь ойида Украинанинг Запорожье вилоятида хизматчи оиласида туғилди. У ўқитувчилик фаолиятини Оренбург вилоятидаги мактабда 16 ёшида бошлади ва Оренбург педагогика институтини битирди. 1940 йилда ҳарбий хизматга чақирилиб, уруш йиллари оддий аскарликдан зобитлик даражасигача бўлган жанговар йўлни босиб ўтди. Урушдан сўнг у яна ўқитувчилик касбини давом эттирди.

Иван Леонтьевич 1947 йилдан эътиборан қарийб ярим аср давомида Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги 1-мактабда директорлик қилди. Унинг ўқитувчилик ва ташкилотчилик истеъдоди шу ерда намоён бўлди. Мактаб вилоятдаги энг намунали билим масканларидан бирига айланди. У раҳбарлик қилган педагоглар жамоасида янгиликка интилиш, ижодий изланиш, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш қарор топди. Натижада мактабнинг Тошкент педагогика институти, ЎзФА институтлари билан мунтазам алоқаси вужудга келди ва ривожланди, билим маскани намунали тажриба мактабига ҳам айланди. Бунда мактаб директори И. Л. Михольскийнинг хизматлари катта бўлди. Унинг кўп йиллик меҳнатлари муносиб тақдирланди: қатор орден ва медаллар билан, «Узбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвони билан мукофотланди.

Мактаб ишининг уста билимдони, истеъдодли педагог, кўплаб ёш муаллимларнинг талабчан ва меҳрибон устози Иван Леонтьевич Михольский хотираси ҳамиша ёдимизда сақланади.

ҚИБРАЙ ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ, 1-МАКТАБ ЖАМОАСИ, БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ ВА ШОГИРДЛАРИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Т. Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти
1996 йил учун

Докторантурага (13.00.02) — физика, математика, информатика, меҳнат, тарих ва бошқа фанларни ўқитиш назарияси ва методикаси бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда докторантурада ўқиш учун 40 ёшгача бўлган фан номзоди қабул қилинади.
Докторантурага кирувчи шахслар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:
1. Директор номига ариза.
2. Ходимларни ҳисобга олиш варақаси (расм билан) ва таржимаи ҳол.
3. Докторлик диссертациясининг кенгайтирилган режаси ва тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза.
4. Матбуотда эълон қилинган илмий ишлар, ихтиролар ва илмий тадқиқот ишлари бўйича ҳисоботлар рўйхати (форма бўйича).
5. Иш жойидан тавсиянома.
Ҳужжатлар эълон чиққанидан сўнг 20 кун давомида қабул қилинади.
Манзилимиз: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 174-уй. УзПФИТИ, телефон: 45-56-59.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Т. Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти
1996 йилга ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ўқиш учун қуйидаги ихтисослар бўйича
АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— Педагогика назарияси ва тарихи (13.00.01);
— мактабгача тарбия назарияси ва методикаси (13.00.02);
— бошланғич таълим назарияси ва методикаси (13.00.02);
— узбек тили ва адабиети ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);
— тарих ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);
— биология ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);
— география ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);
— тасвирий санъатни ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);
— физика ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);
— математика, информатика ва ҳисоблаш техникаси ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);
— рус тили ва адабиети ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);
— жисмоний тарбия, спорт машғулотлари ва соғломлаштирувчи жисмоний тарбия назарияси ва методикаси (13.00.02).

Аспирантурага кирувчилар ихтисослик фани, фалсафа ва чет тилларининг биридан олий ўқув юртлари учун амалдаги дастур ҳажмида кириш имтиҳонларини топширадилар.

Танлов имтиҳонларига ихтисос бўйича камида икки йил амалий иш тажрибасига эга бўлганлар, шунингдек, бевосита олий ўқув юртини битирган ёш мутахассислар фақат олий ўқув юрти (факультет) олимлар кенгаши тавсиясига кўра қўйиладилар.

Аспирантурага ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда 30 ёшгача, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 35 ёшгача бўлган мутахассислар қабул қилинади.

Аспирантурага қабул қилиш тўғрисидаги институт директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: **кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, таржиман ҳол, илмий мақолалар рўйхати ёки реферат, бевосита олий ўқув юртини битиргандан сўнг аспирантурага тавсия этилган шахслар учун олимлар кенгаши йиғилишининг қайдномасидан кўчирма, меҳнат дафтарчаси, 2 дона сурат (3х4 ёки 5х6 см ҳажмда), номзодлик имтиҳонлари топширилган бўлса, белгиланган шаклда гувоҳнома.**

Ҳужжатлар эълон чиққандан сўнг 30 кун давомида қабул қилинади.

Манзилимиз: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 174-уй.

ЎзПФИТИ, Аспирантура бўлими.

Республика мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи курсида 2-30 сентябрь 1996 йилда навбатдаги курслар ўзбек ва рус тилларида ишлай бошлайди:

Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади:
1. Мактабгача тарбия муассасаларининг мудиралари. Мактабгача тарбия муассасаларининг услубчилари - 2.09 - 30.09.96 йил.
2. Мактабгача тарбия муассасаларининг тиббий ҳамширалари - 2.09 - 21.09.96 йил. (Қисқа муддатли курс).
3. Мактабгача тарбия муассасаларида лотин алифбосини ўргатиш бўйича муаллифлик гуруҳи - 2.09 - 15.09.96 йил. (Қисқа муддатли курс).

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар ҳамда йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади. Курс қошида боласи билан келадиган тингловчилар учун болалар хонаси мавжуд.

26 кунлик курсга келган тингловчилар санаторий ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 2-6 сентябргача қабул қилинадилар.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй. Студентлар шаҳарчаси. Телефонлар: 46-98-04, 46-90-94.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар С. Раҳимов туманида рўйхатга олинган «Себзорликлар» хусусий фирмаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Икром БУРИБОЕВ, Алишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0446. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

123456